



Тенгри таолонинг инояти ва Сарвари коинотнинг шафоати ва ҳам пок кунгилли чаҳорёрларнинг ҳиммати билан тарих минг тўрт юз қирқ еттида, шаъбон ойининг ўн бирида, муборак жумъа куни кўҳна ва навқирон шаҳри Шовдан улуғ ҳазратларимиз ётган тупроқни зиёрат этмоқ илинжида йўлга тушдим.



(Давоми 6-7-саҳифаларда.)

ДУРДОНА



Алишер НАВОИЙ

Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,
Иродат эмгагидур бу, не ихтиёр манга.

Висол давлатин ул кун ўзумга жазм эттим
Ки, ҳажр ғуссасин этти ҳавола ёр манга.

Чу ёр кўнглида бўлсам, бало манга ёвумас,
Бу ваҳж илаки, темурдин бўлур ҳисор манга.

Не билсун ул кишиким, чекмаиш фироқ туни
Ки, не сифат кечадур тийра рўзгор манга.


Қочиб адамга бораи ақлу фаҳму донишдин,
Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга.

Буюрмағил яна сабр, эй табиб, Тенгри учун
Ки, ушбу шарбат эмас эмди созвор манга.

Навоийдек қадидин қилсам ўлгали оҳанг,
Бийик мақом топибон ясанг мазор манга.

ТАШҚИ СИЁСАТ

БАРҚАРОР ВА БАРДАВОМ ДЎСТЛИК



Бугун мамлакатимиз фаол ташқи сиёсат туфайли барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни йўлга қўйганига гувоҳимиз. Бу жараёнда Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суръат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин. Ўзаро савдо-сотиқ нуқтаи назаридан иқтисодиётларимиз рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Покистон ўртаси-

даги товар айирбошлаш ҳажми 12 баробарга ошди, ҳамкорларнинг ўрта муддатли мақсади эса бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказишдир. Келгуси устувор йўналишлар ўзаро савдо-сотиқни янада ривожлантириш, ахборот технологиялари, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг таклифига биноан кеча давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга етиб

борди. "Нурхон" аэропортида давлатимиз раҳбарини Покистон Президенти Асиф Али Зардорий ва Бош вазири Шаҳбоз Шариф кутиб олдилар.

Покистон – Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири. Ўзбекистон етакчисининг сазой-ҳаракати билан сўнги тўққиз йилда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳити шаклланди.

(Давоми 2-саҳифада.)

ЯНГИ НАШР

“МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АТЛАСИ”

Кунни кеча Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланган “Миллий қадриятлар атласи” китоб-альбомининг тақдими бўлиб ўтди.


Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган топшириқ

ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланганини таъкидлади.

Ушбу лойиҳада олим узиёлар ҳамда юқори малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳ шакллантирилиб, 8 та йўналиш – Янги Ўзбекистоннинг миллий қадриятлари, миллий-ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, миллий ўйинлар бўйича кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилгани қайд этилди.

Қадриятларни китоб ҳолига келтириш эҳтиёжи қандай пайдо бўлди?

(Давоми 8-саҳифада.)



ИЛМ ЙЎЛИ



БИЛИМ БЎЛМАСА, ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

ЎзФА М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори Карим СУЛТОНОВ билан суҳбат

– Домла, бу йил Тошкент zilzilasiга олти йил тўлди, дунёни титратган Туркиядаги ер силкинишига ҳам уч йил бўлибди. Институт номини ўқиганда, мана шундай воқеалар ёдга тушади. Суҳбат аввалида муассаса тарихи, шаклланиш босқичлари ва бугунги фаолият йўналишлари билан газетхонларимизни таништириб ўтсангиз.

– Институтимизнинг илдизи 1943 йилга, Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилган даврга бориб тақалади. Уша пайтда у Математика ва механика институти номи билан фаолият бошлаган. Механика ва математика фанлари доимо бир-бирига таянч бўлиб келган, шу боис институт тарихида бу икки йўналиш узвий ривожланган. Сўнгра Механика ва Ҳисоблаш маркази

институти ташкил қилинди.

Янги тарих – 1966 йилдаги Тошкент zilzilasiдан кейин институтга ҳозирги номи берилган. Кейинги йилларда республикада қурилиш соҳаси кенгайгани сабабли, институт фаолияти бино ва иншоотлар масалалари билан ҳам узвий боғланди.

Сиз эслаган Тошкент zilzilasiдан сўнг ҳисоблаш маркази алоҳида Кибернетика институтига ажратилди, бизнинг муассаса Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти сифатида қайта ташкил этилди. Асосий мақсад – Ўзбекистондаги бино ва иншоотларнинг zilzilasiга бардошлилигини илмий асосда таъминлаш эди.

(Давоми 2-саҳифада.)

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи доирасида Исломобод шаҳрига келгач, “Глобал sanoat va mudofaa echimlari” компаниясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, Мудофаа кучлари Олий Бош кўмондони – Куролли Кучларнинг қуруқликдаги қўшинлари кўмондони, фельдмаршал Асим Мунир билан учрашув ўтказди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Абу-Дабби шаҳрида бўлиб ўтган Шайх Зоид номидаги “Инсоний биродарлик” халқаро мукофотининг тақдирлаш маросими иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

✓ Осиё чемпионатида пневматик тўппончадан 10 метр масофага отиш бўйича ҳамюртларимиз Муҳаммад Камалов ва Нигина Саидкулова олтин медалга сазовор бўлиб, беллашувларда 481,3 балл жамғарди ҳамда жаҳон рекордини янгилашга эришди.

ЖАРАЁН

ОВЖАЗСОЙ МЕҲР МАРКАЗИДА



Тоғлар Яратганининг иноятидир. Қояларнинг абадий сукути ва виқори кўнглига аллатовур сокинлик беради. – Биз тоғларимиз билан фахрланамиз, – дерди тоғлик ошнам.

Тоғларга боқиб, шоир Азим Суяуннинг мана бу сатрлари ёдга келади: Бу дунёнинг жаннати – тоғлар Мени чорлар бағрига бот-бот. Қучоғида кезганим чоғлар Замзамадай суюмли ҳаёт.

Нурафшондан саксон километр узоқликдаги Овжазсой қишлоғи ана шундай тоғли ҳудудда жойлашган. Қўрама чўққилари қишлоққа гўзаллик беради. Кўзлар қувнайди. Оҳангарон туманидаги бу гўшага Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Туризм қишлоғи”

мақоми берилган. Уч юздан зиёда хўжалик ва икки мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бу қишлоқ таърифида сўз кетганда, ҳазил аралаш шундай гап юради: “Гўзаллик ишқибозлари иккига бўлинади: Овжазсойга келганлар ва келмаганлар”. Бу ердаги пурвиқор тоғлар саҳарда ва шомда кўкитири тусга киради. Шу боис, “Мовий тоғлар” дейилади. Инсоннинг характериға ўзи яшаётган табиатнинг нуқси уради – овжазсойликларнинг қадди чўққилардек тик, ғурури тоғлардек баланд.

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ташаббуси билан утказилаётган “Қишлоқда бир кун” лойиҳасининг навбатдаги мазли Овжазсой бўлди.

(Давоми 2-саҳифада.)



БАРҚАРОР ВА БАРДАВОМ ДЎСТЛИК

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақарига чуқур интеграциясини таъминлаш мақсадида Мозори Шарифдан Карачигача, яъни Ҳинд океани портларига чиқадиغان темир йўл қурилиши каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш ташаббусини илгари сурди.

Бу йўл ишга тушса, аҳоли даромадлари ва маҳсулот сифати ошади, қўшимча иш ўринлари яратилади, таннарх пасаяди, янги технологиялар олиб келинади. Бозор ишловларини жадал ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги бозорларга кириб борилади.

Ўзбекистон ва Покистон яқин пайтларга бир-бирларини узоқ шериклар деб билган. Сиёсий алоқалар мавжуд бўлса-да, иқтисодий ҳамкорлик икки мамлакатнинг географияси ва салоҳиятига мос келмасди. Бу мантиқ энди ўзгармоқда. Ўзбекистон учун Покистон нафақат Жанубий Осиёдаги бозор, балки бугунги мураккаб дунёда бир ёки иккита йўналишга таяниш тобора қийинлашиб бораётган бир пайтда Араб денгизидagi портларга ва натижада муқобил экспорт йўлақарига кириш нуктасидир.

Транс-Афгон темир йўли эса Ўзбекистондан Покистон портларига чиқадиغان юк йўлини 35 кундан 3-5 кунгача қисқартиришга қодир бўлади. Бу тўғридан-тўғри иқтисодий афзалликдир. Шу маънода, ташриф кун тартиби мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини диверсификация қилиш ва чекланган миқдордаги бозорлар ва йўналишларга қарамликни камайтиришга содиқлиги билан бевосита мос келади. Асосий эътибор савдонинг кенгайтириш, инвестицияларни жалб этиш ва муқобил транспорт йўлақарини ривожлантиришга қаратилган, десак адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда Покистонга амалга оширган тарихий ташрифи давомида илк бор Имтиёзли савдо битими имзоланди. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида назоратга олишга келишим олинди. Асосий мақсад – маҳсулотларни давлатларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа муддатларда етказиб бериш тизимини яратилиш иборат. Бундай эътибор ва шароитлар ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион долларга, келгусида эса 1 миллиард долларга етказиш учун мустаҳкам замин яратди. Ҳозирги савдо айланмаси 400 миллион доллардан кўпроқ бўлса-да, бу икки мамлакат япи ички маҳсулотнинг атиги 0,1 фоизини ташкил этади.

Ўсиш учун имкониятлар жуда улкан. Аммо ҳамкорликнинг муваффақияти географик, демографик ва иқтисодий афзалликлардан максимал даражада фойдаланиш имконини берадиган самарали инфра-тузилмавий алоқалар ва бозорлар интеграциясига боғлиқ.

Сўнги икки йил ичида ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз сезиларли даражада кучайганини кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йили икки томонлама савдо ҳажми тахминан 10 фоизга ошди, импорт тахминан 12 фоизга, экспорт эса тахминан 8 фоизга ошган. Чуқур саноат ҳамкорлиги ва янги секторал ҳамкорлик орқали икки томонлама савдода 2 миллиард долларлик улкан мақсад белгиланди.

Ўзбекистон томони имтиёзли савдо доирасида конструктив музокараларни, жумладан, маҳсулотларни қамраб олиш рўйхатини 34 тадан 92 тагача кенгайтиришга эришилганини юқори баҳолайди. Инвестиция ва саноат ҳамкорлиги алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, ҳозирда юртимизда 228 та Покистон компанияси фаолият юритмоқда ва фақат ўтган йилнинг ўзида 80 та янги компания рўйхатдан ўтди. Иккала томон ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги, тоғ-кон саноати, тўқима-чилик, чарм ва фармацевтика каби устувор соҳалардаги ҳамкорликни, қўшимча қиймат ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган саноат ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбек компаниялари Покистонда ҳам инвестициялар ва лойиҳаларни, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва гўшт ишлаб чиқариш, гуруч етиштириш имкониятлари ва тоғ-кон саноати соҳаларини ўрганишга қизиқиш билдирмоқда.

Албатта, ўзаро лойиҳаларни амалга ошириш, савдонинг кенгайтириш, туризмни ривожлантириш учун виза тартибини янада соддалаштириш, тўғридан-тўғри ҳаво алоқаларини кўпайтириш алоҳида ўрин тутди.

Исломобод ва Лахордан авиарейслар қайта бошлангани, ҳафтасига бир неча чараларга кенгайтирилгани, Карачидан қўшимча хизматлар режалаштирилгани, икки мамлакат ўртасида ҳафтасига олти рейсга эришилган режалаштирилгани тижорат савдолари, туризм ва савдо алоқаларини кучайтириши кутилмоқда. Ҳали фойдаланилмаган катта савдо салоҳияти, қўшма лойиҳалар ва логистика тармоқлари орқали интеграция минтақанинг иқтисодий ландшафтини ўзгартиришга қодир.

Стратегик шериклигини ривожлантириш саноат кооперацияси, технологиялар, таълим, қўшма ишлаб чиқариш занжирлари ва барқарор ривожланиш бўйича келишилган ёндашуларга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик моделига ўтишни талаб қилади. Ҳамкор-

ликнинг аънавий соҳаларидан ташқари, янги йўналишларни, биринчи навбатда, ахборот технологияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. 240 миллион аҳолига эга Покистон ҳудди Ўзбекистон каби тез ўсиб бораётган мамлакат, унинг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис, Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ушбу соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан истиқболлар мавжуд.

Ўзбекистон ва Покистон Марказий ва Жанубий Осиёнинг ягона геоиқтисодий маконда жойлашган бўлиб, сезиларли иқтисодий, транспорт, ресурс ва инсон салоҳиятига эга. Қарийб 300 миллионлик умумий бозор – бу нафақат истеъмолчилар, балки инсон капиталли ҳамдир. Боғлиқлик минтақадаги энг йирик меҳнат ва интеллектуал кластерни яратди.

Покистон Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилувчи йирик давлатлар ўнталигидан жой олган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда Покистон иштирокида 20 дан ортиқ савдо компаниялари ва агрофирмалар ташкил қилинди. Ҳозир улар Ўзбекистон мева-сабзавотларини Жанубий Осиё мамлакатларига етказиш, шунингдек, Покистоннинг Карачи порти орқали Форс кўрфазига олиб чиқиш билан шуғулланмоқда. Бу мамлакатнинг истеъмол бозори Ўзбекистонда етиштирилган дуккакли маҳсулотларни олиш сифат белгиси, деб қабул қилади ва заминимизда пишиб-етилган неъматлар Эрон, Канада, Мьянма ва Австралиядан келтириладиган шундай товарлар билан тўлиқ рақобатлашмоқда.

Ўзбекистон компаниялари Покистоннинг энергетика, логистика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳаларида иштирок этиш имкониятларини ўрганмоқда. Ўз навбатида, Покистон томони Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни яхшилаш мақсадида, минтақа бозорларига йилга бир неча миллиард долларлик тайёр маҳсулот – дори-дармон, кийим-кечак ҳамда гуруч ва шакар экспорт қилиш имкониятига эга.

Яқин келажакда икки давлат ўртасида қўшма инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришни кенгайтириш, синов логистика йўналишларини ишлаб чиқиш ва бизнес алоқаларини фаоллаштириш кутилмоқда. Шунингдек, гуманитар ва таълим алмашинувлари, оммавий ахборот воситалари ва эксперт ҳамжамиятлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш назарда тутилган. Буларнинг барчаси ўзаро дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун мустаҳкам замин яратди.

Жамолиддин БАДАЛОВ



ОВЖАЗСОЙ МЕҲР МАРКАЗИДА

Бошланиши 1-саҳифада.

– Ажиб замонларни кўрдик, – дейди дуога қўл очган отахон. – Мабодо қишда мушкул чиқса, қор кечиб туман ё вилоят марказига борардик. Мута-садиларни топсақ-ку, хўп-хўп, тополмасак... Сарсонликни айтмайсизми? Болам, қаранг шундай кунлар ҳам бор экан. Президент вакили бўлган вилоят ҳокимининг шахсан ўзи “нима хизмат” деб, келиб турса-я!

Ҳа, Янги Ўзбекистонда инсон қадр азиз. Мамлакатимиз раҳбари томонидан бошланган ислохотлар барча ҳудудларда изчил давом этаётгани, одамлар буни ҳис қилаётгани кўнгилларни қувонтиради. Авваллари эшитардик, “фалончи раҳбар билан учра-шишга бир ҳафта навбат кутдим”, “фалончи раҳбар қабул қилмади”, “фалончи бунча сўради”... У замонлар ўтди. Омон-омон даврларга келдик. Кичик раҳбардан тортиб каттасигача халқ хизматида. Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўзлар қувонади. Раҳбарлар фуқароларни рози қилиш ҳаракатида. Овжазсойда ҳам шунга гувоҳ бўлдик. Вилоят раҳбари ташрифи “Пайгамбар ота” зиёратгоҳидан бошланди. Бу муқаддас жой – зиёратчиларнинг сеvimли маскани. Келганлар қалби ором, сокинлик топади.

Сотиволди Аҳмедов хонадониде вилоят ҳокими ва қишлоқ фаоллари, меҳнат фахрийлари учрашуви бўлди. Дастурхон атрофидаги гурунларда

самимият уфуриб турарди. Ҳоким дилдан сўхбатлашди. Нима ёрдам керак бўлса, барчасини бажаришга тайёрлигини айтди. 46-мактаб филиали ҳудудда чодир шароитида Зойир Мирзаев сайёр қабул ўтказди. 46-мактабда ёпиқ спорт зали қуриб бериладиган бўлди. 2026 йилда қишлоқни ривожлантириш дастури, режаси ишлаб чиқишлиги айтилди. Аҳоли муаммолари тингланди, жойида ҳал этилди. “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ҳам ўзгача руҳда ўтди.

– Энди чанг кўчада эмас, замонавий майдонда тўп тепамиз, – деб шодон боқишарди ёшлар бир-бирига.

– Ҳали Овжазсойдан ҳам Абдуқодирдек йигитлар чиқади, – гап қотарди сунъий қопламали стадион қуриб бериш масаласи ижобий ҳал бўлганидан қувонган бир ишқибоз.

Вилоят раҳбари ва бошқарма бош-ликлари ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди. Шу кун қишлоқ байрам тусига кирди. Гарчи атроф оппоқ қор бўлса-да, баҳорий, Наврўзий кайфият ҳукм сурарди. Худди баҳор эрта келгандек. Бир ёқда ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бошқа томонда ҳунармандлар меҳнатларини кўз-кўз қилса, яна бир ёқда фольклор жамоаларининг чиқишлари... Бу қувонч биз, меҳмонларга-да юкди.

Қишлоқ туни ҳам тароватли. Маш-хур санъаткорлар ташриф буюрди. Куй-қўшиқ सदолари кеч тунга довуру давом қилди. Кўнгилдан ният кечди: аёлнинг бардавом бўлсин, Овжазсой! **Зикрилла МУҲАММАД**

Бошланиши 1-саҳифада.

2014 йилда институт иккига бўлинди: Механика йўналиши Тошкент давлат техника университетида қўшилди, сейсмик мустаҳкамлик институти эса Фанлар академияси таркибиде қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги қарорига асосан, ЎзФА Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлик институти ва ТДТУ қошидаги Тармоқ машинашунослиги муаммолари илмий-тадқиқот маркази базасида Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлик институти қайта ташкил қилинди.

Механика фани бутун техника ва қурилишнинг асоси ҳисобланади. Энг қадимий ихтиро – гилдирак ҳам механика қонунларига таянган. Институтимиз ана шу фундаментал фан негизида уч асосий йўналишда ишлайди: бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, материалларнинг механик хосса-ларини ўрганиш ҳамда бино-иншоотларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш; конструкция ва механизмларнинг мустаҳкамлиги, динамикаси ва унумдорлиги; суюқлик ва газлар механикаси, гидротизимлар. Тўғонлар, электр станциялар, турар-жой ва саноат биноларининг зилзилага чидамлилигини ҳисоблаш ва мустаҳкамлаш бўйича илмий тадқиқотларимиз амалиёт билан чамбарчас боғланган. 80 йилдан ортиқ тарихга эга институтимизда кўплаб забардаст олимлар етишиб чиққан, йирик илмий мактаблар шакллانган ва бу аънава давом этамоқда.

– Бугунги кунда илмий тадқиқотлар қайси асосий йўналишларда олиб борилмоқда?

– Ҳозир институтимизда учта асосий йўналиш мавжуд.

Биринчиси – бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ҳамда сейсмик хавфсизлиги йўналишида материалларнинг чидами, конструкцияларнинг зилзилага бардоши ва тайёр биноларни сейсмик ҳимоя қилиш масалалари ўрганилади. Аввало, гишт, бетон, арматура каби қурилиш материалларининг узоқ ва ишончли хизмат қилиши тадқиқ этилади. Бунинг учун институтда махсус лаборатория фаолият юритади.

Шунингдек, қурилиш конструкциясининг мустаҳкамлиги – девор, устун ва плиталарнинг ўзаро боғланиши, ўлчамлари назарий ва экспериментал усулда текширилади. Сейсмик ҳимоя қурилмалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Пойдевор билан бино орасига ўрнатилган сейсмоизоляциячи мосламалари ҳамда баланд бинолар учун демпферлар зилзила таъсирини камайтиради. Институтимизда бундай қурилмаларнинг маҳаллий намуналарини яратиш бўйича изланишлар



БИЛИМ БЎЛМАСА, ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

олиб борилиб, тажрибавий синовлар ўтказилмоқда. Сўнги йилларда давлат кўмаги билан замонавий ускуналар, жумладан, АҚШдан сейсмик платформа қурилмалари олиб келинди. Бу конструкцияларни реал шароитга яқин ҳолатда синаш имконини бермоқда.

Иккинчи йўналиш – машинасозлик механикаси. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати машиналарининг мустаҳкамлиги, самарадорлигини ошириш, уларнинг механизмлари ва гидравлик тизимларини такомиллаштириш тадқиқ этилади. Пахта териш техникаларини маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда тўқимачилик дастгоҳларида ипнинг пишиқлигини таъминлаш бўйича илмий ечимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учинчи йўналиш – суюқлик ва газ механикаси. Сув ресурсларини тежаш, қувурларда оптимал режимларни танлаш, газ етказиб беришдаги йўқотишларни камайтириш масалалари ўрганилади. Шунингдек, саноат корхоналарида ҳавони чангдан тозаловчи қурилмалар яратилиб, амалиётга жорий этилган.

Уч йўналишни бирлаштириб турадиган умумий мақсад – механика фанининг амалий натижаларидан республика иқтисодиёти ва аҳоли хавфсизлиги йўлида фойдаланишдир.

– Институтнинг бинолар лойиҳалари экспертизаси бўйича ҳам алоҳида ваколати бор экан. Бу жараён қандай ташкил этилган?

– Президент қарори билан 12 қаватдан банд, яъни тўртинчи тоифа бинолар лойиҳаси Қурилиш вазирлиги экспертизасига топширилшидан аввал институтимиз илмий хулосасидан ўтиши белгиланди. Бу жуда масъулиятли вазифа.

Биз аввал қурилиш майдонининг геологик шароитини асосли тўғри танланганлигини ўрганамиз: тупроқ қатламлари, пойдевор ўрни каби масалалар текширилади. Кейин лойиҳа

ҳисоб-китоблари, мустаҳкамлик талаблари ва қурилиш меъёрларига мослиги таҳлил қилинади. Битта лойиҳага уч ойгача вақт берилади. Институт ва ташқи ташкилотлардан жалб этилган 25-30 нафар мутахассисдан иборат комиссия ҳар бир ҳужжатни батафсил кўриб чиқади. Лойиҳада камчиликлар бўлса, лойиҳачиларга етказилади, улар тузатилиб, қайта киритилади. Шу йўл билан бино хавфсизлиги максимал даражада таъминланади. Сўнги уч йилда институтимиз олимлари томонидан 700 дан ортиқ лойиҳа кўриб чиқилди. Бу ишларнинг барчаси аҳолининг ҳаёт хавфсизлиги учун хизмат қилади.

– Бундай кўламдаги ишларни ўз вақтида бажариш қийинчилик туғдирмайди, институтда қанча мутахассис ишлайди?

– Мен бу даргоҳда эллик беш йилдан буён ишлайман, тарихини яхши биламан. Аввал институтда 450 нафаргача ходим ишлаган. Ҳозир институтимизда 154 нафар ходим доимий фаолият юритади, ташқаридан жалб этиладиган мутахассислар билан 200 кишига яқинлашади. Асосий илмий мактаблар сақла-ниб қолган ва энг зарур вазифаларни бажариб келяпмиз. Кадр ва имконият масаласида чекловлар бор, лекин мавжуд салоҳият билан энг долзарб ишларни сифатли адо этишга ҳаракат қиламиз. Қувонарлиси, жамоамизнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар замонавий билимга эга, янги технологияларни тез ўзлаштиради.

Албатта, юклатилган вазифалар жуда масъулиятли. Бино ва иншоотлар хавфсизлиги, сейсмик мустаҳкамлик бўйича илмий хулосалар бериш, янги қурилмаларни яратиш – буларнинг барчаси катта меҳнат талаб қилади. Институтда назарий, экспериментал лабораториялар, замонавий синов ускуналари мавжудлиги ишларни сифатли бажаришга ёрдам бермоқда.

Жамоамиз аҳил ва ижро интизоми юқори. Масалан, ўтган йили турли давлат ташкилотларидан келган 121 та топшириқнинг барчаси белгиланган муддатда бажарилди. Бу натижа институт салоҳияти ва ходимларнинг масъулиятини кўрсатади. Биз учун энг муҳим мезон – бажарилган ишнинг одамлар хавфсизлигига хизмат қилишидир.

– Институт эришган ютуқлар ҳақида фахр билан гапирдингиз. Сизни қониқтирмайдиган, ҳал этилиши зарур муаммолар ҳам борми?

– Энг катта масалалардан бири – фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқлик. Институтимизда ҳар йили ўнлаб ихтиро қилинади. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 40 га яқин янги ишланмага гувоҳнома олинди. Аммо уларни амалий ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёни сусти.

Иқтисодиётда олтин қойда бор: аввал талаб бўлиши керак, кейин тақлиф пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришда ҳам илмий ишланмалар учун реал талаб шаклланиши зарур. Мамлакатимизда бу йўналишда муҳим қадамлар ташланмоқда. Хусусан, махсус қарор билан Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, махсус кенгашлар ташкил этиш белгиланди. Бу жараён катта маблағ талаб қилади. Масалан, янги техникани яратиш учун уч бўгин зарур: илмий тадқиқот, лойиҳалаш институти ва ишлаб чиқариш заводи. Илм бор, лекин лойиҳалаш ва саноат қуввати етарли эмас. Шу занжир тўлиқ ишласанига, ихтиролар ҳаётга татбиқ этилади. Энг асосий масала – механика фани тажрибасиз ривожлана олмайдми. Назарий ҳисоб-китоблар муҳим, лекин уларни, албатта, тажриба тасдиқлаши керак. Тажриба эса жуда мурраккаб ва қimmat жараён.

Давлатимиз раҳбарига эътибор учун ало-

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

сўхбатлашди.




ТАДҚИК

“ЗАНЖИРБАНД ШЕР”НИ КИМ ЧИЗГАН?

Алишер Навоий “Занжирбанд шер” расмида ўзини тасвирлаган, деган қараш ҳаммага яхши таниш. Бунда Ойбекнинг 1942 йили яратилган “Навоий” романи ҳамда Иззат Султон ва Уйғуннинг 1941 йили ёзилган, 1948 йили сахнага қўйилган “Алишер Навоий” драмасида “Занжирбанд шер” номли суратнинг тилга олиниши катта роль ўйнаган кўринади. Бу икки асарда, гарчи улар бадий ижод намуналари бўлса-да, занжирбанд шер суратида Навоий ўзини акс эттиргани тилга олинди.

Келинг, бу суратга XX асрда қандай эътибор қаратилганига тўхталиб, унинг Алишер Навоийга қанчалик алоқаси борлигини кўлимиздаги мавжуд манбалар асосида кўриб чиқайлик.

Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида (1963, 1965 йиллар ва 1976 йилдаги қайта нашрида) занжирбанд шер тасвири берилган.



Занжирбанд шер (Навоий ишлаган сурат).

Сурат остига “Занжирбанд шер (Навоий ишлаган сурат)” деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистондаги тахминан уч авлод ушбу суратни кўриб, уни ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий чизган ва расмда ўзини акс эттирган, деган фикр билан ўсган. Бу фикрга шубҳа билан қарамай қўйган.

“Занжирбанд шер” тасвири ҳақида фикр билдирганлар орасида ҳинд санъати файласуфи, рассом, ушбу сурат сақланган АҚШнинг Бостон музейида куратор бўлган Ананда Кумарасвами, машҳур олим, миниатюра тарихига оид тадқиқотлари билан илмда сезиларли из қолдирган Арменгабей Сакисян, ўзимиздан Олим Шарафиддинов, Мамарасул Бобоев, Ойбек, Иззат Султон, Уйғун, Ҳоди Зарифов, Натан Маллаев, Су-ййма Ғаниева сингари олим ва адиблар номларини қайд этиш лозим.

ҒАРБДАГИ КИТОБЛАР НИМА ДЕЙДИ?


1929 йили Европада иккита китоб нашр этилди. Бу китобларда “Занжирбанд шер”ни Алишер Навоий чизган, дея Ананда Кумарасвами (1877–1947) ва Арменгабей Сакисян (1872–1944) биринчилардан бўлиб фикр билдирган. Улар Бостон шаҳридаги тасвирий санъат музейида сақланувчи Виктор Голубев (1878–1945) коллекциясидаги “Занжирбанд шер” миниатюрасига асосланган. Санъатшунос, коллекционер, археолог Виктор Голубев санъат асарлари бўйича жуда катта ва аҳамиятли коллекция тўплаган. У ичида шарқ миниатюралари мавжуд бўлган коллекциясини 1914 йили Бостон музейига сотган. “Занжирбанд шер” ҳам шу осори-атиқалар қаторида бўлган.

Сакисян китобида “Занжирбанд шер” расми 1500 йилда чизилган, деган ёзувни келтирган ва уни Навоий чизган, деб таъкидлаган. Кумарасвами ҳам мазкур фикрга қўшилади. Лекин айна вақтда сурат остига асар яралишининг тахминий санаси сифатида 1550–1575 йиллар кўрсатилган. Икки олим ҳам ўз фикрига асос сифатида шер расми остидаги “Амали амир Алишер” иловасига таянган. Тасвир нақшли ромча ичида берилган. Чап томонда оқ рангдаги ҳарфлар билан юқорида жойлашган нақш ичига “амали амир” ва унинг пастидаги нақш ичига “Алишер” сўзлари ёзилган.

НАВОЙИ АСАРЛАРИДА МАЪЛУМОТ БОРМИ?

Шу ўринда, Алишер Навоий асарларида “Занжирбанд шер” ҳақида ёки бу тасвирда ўзи акс этганига оид бирор маълумот борми, деган савол туғилади. Навоий асарларида ўзини занжирбанд шерга ўхшатиши ҳақида бирор аниқ гап йўқ. Суййима Ғаниеванинг таъкидлашича, “Занжирбанд шер” ибораси Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидасида учрайди:

Қайди зинат муқити фарр-у
шукӯхи хусравист,
Шери занжири зи шери
беша камсавлаттар аст.



“...Она тилга муҳаббати бор киши ҳам Алишер Навоий асарларини ўқуб кўрганда тилимиз аввалда шунча бой ва муқаммал экан, нима қилдикки, ул латофат, ул нафосатларини йўқотиб, киши танимайдургон бир ҳолга келтуруб қўйдук, деб охлар тортур.

Ашуралӣ ЗОХИРИЙ

Таржимаси: Зебу зийнатга ҳирс қўйиш подшоҳлик шаън-шаъвати ва шукӯҳини барбод этишдир, занжирбанд шернинг савлати ўрмон шери савлатидан камроқдир.

Бу ибора Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асариди ҳам мавжуд. Мазкур сатрларнинг таржимаси қуйидагича: “Кексалик мени ёшлик палласидан итқитиб ташлади; энди мен ул занжирбанд шер эмасман. Кексалик ғами мени бутунлай олиб кетди”. Кўринадики, Паҳлавон Муҳаммад ўзини занжирбанд шер сифатида талқин қилмоқда.

Навоий шеърини занжир образи кўп учрайди. Бу аксар ҳолда тасаввуф билан боғлиқ келади. Лекин Алишер Навоий ўзини занжирбанд шер сифатида тақдим қилганига оид ишора мавжуд эмас. Шундай экан, занжирбанд шер расмида Навоийнинг ифодаланишига оид талқинлар қаердан вужудга келди?

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ЗАНЖИРБАНД ШЕР ТАЛҚИНИ

1939 йили Олим Шарафиддинов Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида “Алишер Навоий: замони, ҳаёти, ижодиёти ва ўлими” номли китобини нашр этган. Китобнинг 57-бетиде “Занжирбанд шер” расми келтирилган. Натан Маллаев дарслигида келтирилган ва биз юқорида қайд этган “Занжирбанд шер” тасвири ҳам шу китобдан олинган кўринади.



Камалиддин Бехзодга нисбат берилган “Занжирбанд шер” сурати.

Олим Шарафиддинов ўз китобида А.Сакисян гапларини тақдорлаган. Сурат 1500 йилда чизилган, дея уни Навоийнинг умри охирида Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги ижтимоий таназзул маҳсулига нисбатан бўлган танқидий муносабатига кўра чизган, деб баҳолаган. Олим Шарафиддинов китобидаги “Занжирбанд шер” сурати остига “Алишер Навоийнинг ўзи ҳақида ўзи ишлаган расм. Ҳирот, 1500 йил” деб ёзилган. Мантиқан, бу сурат китоб муаллифи томонидан Навоий яшаган даврдаги мураккаб ҳаёт маҳсули сифатида тақдим этилган кўринади.

Натан Маллаев “Навоий” романи ва “Алишер Навоий” драмасида бадий тасвирланганидек, Навоийнинг Астрободда бўлишини шоирнинг руҳий тушунлиқ дари сифатида баҳолаган. “Навоийнинг душманлари уни пойтахтдан узоклаштиришни зўр бериб талаб қилмоқда эдилар. Ниҳоят, Хусайн Бойқаро Алишер Навоийни Астро-бодга ҳоким қилиб тайинлади”. Натан Маллаев дарслигида айна ўринда “Занжирбанд шер” сурати келтирилди. Очқич айтилмасда, бу ўринда “Занжирбанд шер” тасвири Навоийнинг Астрободдаги ҳолати ва кайфияти билан боғлангандай бўлади.

Занжирбанд шер Алишер Навоий сурати экани Ўзбекистон ССРда 1930-йиллардан бошлаб эътироф этила бошланган. Хусусан, 1939 йили шоир Мамарасул Бобоев ёзган “Занжирланган шер” номли асар маълум. Мазкур шеърда биз билган ва кенг тарқалган “занжирбанд шер” номи “занжирланган шер” деган кўринишда келтирилган. Шеър мазмунига келсак, у собиқ иттифоқ мафқурасига хос синфий кураш нуқтаи назаридан ёзилган.

Иззат Султон ва Уйғун томонидан ёзилган “Алишер Навоий” драмасида “Занжирбанд шер энганам дер” деган сатр ҳам “Занжирбанд шер” расми талқинига ишорадан келиб чиққан. 1939 йилдаги ушбу матн шунчаки таржимаи ҳол эмас, бу советлар даврида Навоийни “демократ” ва халқ ҳимоячиси сифатида кўрсатишга, унинг адолатсизликка қарши курашини кўрсатишга уринишдир. Драмдаги занжирбанд шер айнан Алишер

Навоийнинг Астрободга юборилиши ва унинг Ҳиротга қайтиб кетишига имкон йўқлиги билан боғланган воқеалар ўрнида тилга олинди. Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида ҳам, Ойбекнинг “Навоий” романида ҳам сурат Навоийнинг Астрободда бўлган вақти, Ҳиротга қайтиш оқиёсида яшаётган воқеалар тасвирланган қисмда келтирилди. Афтидан, “Занжирбанд шер” сурати Навоийнинг Астрободда мажбуран яшаб турган пайтидаги кайфиятига мос келгани учун уни шоирнинг шу ҳаётга оид, деб кўрсатиш илмий ва бадий асарларда урф бўлган.

Мамарасул Бобоевнинг “Занжирланган шер” номли шеъри 1939, “Алишер Навоий” драмаси 1941, “Навоий” романи эса 1942 йили ёзилганини ҳисобга олсак, демек, “Занжирбанд шер” сурати ўша даврда совет сиёсати хос синфий кураш масаласи билан боғлиқ ҳолда талқин этила бошланган. Замонавий нашрлардан Абдулла Ориповнинг қуйидаги машҳур сатрларини эсга олиш мумкин:

Беш асрим, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер,
Темир тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.

Шунингдек, бу ўринда Иброҳим Ҳаққулов Алишер Навоий ижодига бағишланган эссе-лар тўпламини “Занжирбанд шер қошида” деб номлагани, Абдулла Шернинг “Навоий соғинчи” туркумидаги “Занжирбанд шер” номли шеърини таъкидлаш лозим. Замонавий ўзбек адабиётида бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Шу ўринда ўзбек халқ оғзаки ижодидаги сурат билан боғлиқ ривоятни ҳам ёдга олиш жоиз.

МИР АЛИШЕР ЧИЗГАН СУРАТ

“Кунлардан бир куни Мир Алишер ўзининг ижодхонасида аллақандай бир суратни чизар экан, ногоҳон Султон Хусайннинг хужрасига кириб келибди. Мир Алишер сурат чизишга қаттиқ берилиб кетганидан подшога қарамабди ҳам. Бундан Хусайн қаттиқ ранжибди.

– Мир Алишер, сизнинг мусаввирлик хунарингиздан беҳабар эканмиз-да! Мендан кўра сурат азизроқ эканми, дейман, бундоқ қайрилиб ҳам қарамадингиз-а?! – дебди. Мир Алишер шундай жавоб берди:
– Агар бу суратда ким тасвирланганини билганингизда эди, фикрингиздан қайтган бўлардингиз!

Подшо Хусайн яқинроқ бориб қараса, ўзининг сурати экан, шунда у дустига ноурин жаҳл қилганига пушаймон бўлиб, бинобарин, янада меҳри ортибди. Мир Алишер эса подшога қараб:

– Дўстим, энди буни ҳам томоша қилинг, – дебди.

Мир Алишер занжирланган шернинг суратини чизиб, Хусайнга узатибди. У суратни обдон томоша қилиб:

– Нимага шерни занжирлаб қўйибсиз? – деб сўрабди.

– Сизнинг олдингиздаги барча олимлару шоирлар, донолару яхшилар ана шу занжирбанд шерга ўхшайдилар. Сиз уларнинг барини безанжир банд этиб қўйгансиз. Аммо шер хоҳ занжирбанд бўлсин, хоҳ банд экан, мағлубиятни хаёлига ҳам келтирмайди, мақсади энгиб чиқмоқ, – дебди Мир Алишер. Хусайн Мирзо Мир Алишернинг сўзига жавоб толиб беролмай, хужрадан бошини эгиб чиқиб кетибди.”

Аслида, бу ривоятни мақоламиз бошида келтириш ўринли эди. Сабаби, халқ оғзаки ижоди бадий адабиётдан аввалроқ вужудга келган ва тарқалган. Аммо айна ривоят халқ оғзаки ижоди сифатида тақдим этилса-да, моҳиятан, совет сиёсатига мос оҳангга эгадек.

Занжирбанд шер суратининг совет мафқурасига мос сиёсийлашган талқинлари мавжуд бўлиб турган 1980-йиллардаёқ, унинг муаллифи Алишер Навоий эканига танқидий қараш навоийшунос олима Су-ййма Ғаниева тадқиқот ва нашрларида буй кўрсата бошлаган. Масалан, олима ёзишича, 1956 йилдан буён ҳар йили Навоий туғилган куни – 9 февралда ўтказиб келинаётган илмий-анъанавий конференцияларнинг бирида таниқли олим Ҳоди Зариф шоир томонидан чизилган, деб юритилган “Занжирбанд шер” расми остидаги “Амали амир Алишер” ёзувининг Навоий дастхати экани масаласини кўтариб чиққан. Лекин олима бу матнни Навоий дастхати эмас, деб ҳисоблаган.

ШАРҚДАГИ АНЪАНАВИЙ ТАСВИР

Занжирбанд шер тасвирининг мусулмон шарқи тасвирий санъатидаги ўрни қандайлиги ва бу тасвирнинг совет даврида сиёсат билан боғлаб талқин қилингани ҳақида таниқли санъатшунос олим, Санкт-Петербур

бург (Россия) давлат Эрмитажи Шарқ бўлими етакчи илмий ходими, профессор Адамова Адель Тиграновнага мактуб билан мувожабат қилдик ва шундай жавоб олдик:

“Мактабни битирган қадрдон шахрим – Тошкентдан мактуб олиш мен учун жуда ёқимли бўлди. Занжирбанд шер – Ўрта аср Эрон санъатидаги энг сеvimли образлардан бири. Шер тасвирлари (кўпинча ётган ҳолатда) XVI-XVII асрларга оид кўплаб альбомларда учрайди. Эҳтимол, бу мотивнинг оммабоплиги унинг Камалиддин Бехзод номи билан боғлиқлиги билан изоҳланар (унинг имзоси туширилган расм машҳур H.2154 рақамли альбомда жойлашган). Сизга альбомлар (мураққа) ҳақидаги иккита аjoyиб китоб муаллифи Д.Роксбургнинг мақоласини тавсия қиламан: Davud J. Roxburg. Kamal al-Din Bihzad and Authorship in Persianate Painting // Muqarnas, vol.17 (2000), p.119-146. (“Мукарнас” журнали очқич манбада мавжуд, юклаб олиш мумкин).

Роксбург шер тасвирланган расмлар ҳақида мақоласининг 131-бетидеги (9–12-расмларга ҳам қаранг) 50-изоҳда тўхталиб ўтган. Роксбургнинг тахминича, “Амали амир Алишер” имзоси қўйилган шер расмида сўз ўйини ўз ролини ўйнаган. Бу ерда ҳеч қандай сиёсий маъно йўқ, қолаверса, Султон Хусайн даврида Навоийнинг рол ва қудрати ҳақида жуда кўп адабиётлар мавжуд”.

Машҳур санъатшунос Девид Роксбург ҳам Камалиддин Бехзод ижодига бағишланган мақоласида “Занжирбанд шер” суратига оид ўз фикрларини билдирган. У сурат остидаги “Амали амир Алишер” сўзларини Алишер Навоийнинг исмидаги “шер” ва тасвирдаги шер номи ўртасидаги сўз ўйини деб қараган. Яъни, Роксбург суратни Навоий чизгани ҳақида аниқ фикр ёзмаган.

Суратнинг Камалиддин Бехзодга нисбат берилган варианты ҳам мавжуд бўлиб, бошқа рассомлар томонидан ишланган шундай расмлар ҳам бор экан.

Навоийга нисбат берилган “Занжирбанд шер” сурати келтирилган альбомда бошқа расм ҳам келтирилган.

Занжирбанд шер тасвири анча нусхаларда учрашига гувоҳ бўлган ҳолда, кўлбемалар бўйича йирки мутахассис, Франция миллий кутубхонасининг форс тилидаги кўлбемалар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Франсис Ришардан сурат бўйича қуйидагича жавоб олдик:

“Менинг билишимча, занжирбанд шер акс этган бунга жуда ўхшаш бошқа эскизлар ҳам мавжуд. Бу мавзу Баҳром ҳақидаги киссадаги Эрон императорлик тожининг машҳур икки занжирбанд кўриқчи-шерига ишора бўлиши мумкин. Лекин, катта эҳтимол билан, бу Султон Хусайн Бойқаронинг “хайвонот боғи”даги шернинг тасвиридир.

Албатта, Мир Алишер имзосининг мавжудлиги машҳур амир ва ҳомиининг ўзи ҳам рассом бўлаганини кўрсатади. Биз Бостонда сақланаётган Бехзод қаламига мансуб, бунга жуда ўхшаш занжирбанд шер тасвирини биламиз. Алишер, эҳтимол, Бехзоднинг устахонасида у билан бирга ишлаган. Кейинчалик Бехзоднинг шоғирди Шайхзода (менинг фикримча, Ҳиротда) Бехзод имзоси қўйилган эскизнинг нусхасини яратган (ҳозир Вашингтонда, Фривер галереясида сақланади). Шу тариқа “занжирбанд шер” Эрон миниатюралари репертуарининг бир қисмига айланган. Аммо мен янгилашган бўлишим ҳам мумкин...”

АФРИКА ОЗОДЛИГИ ВА “ЗАНЖИРБАНД ШЕР” НИШОНИ

1960 йил 14 декабрда БМТ “Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация”ни қабул қилди. Африкадаги 17 та мамлакат мустақилликка эришди. Дунё бўйича 1960 йил – “Африка йили” деб эълон қилиниб, уч йилдан сўнг Африка бирдамлиги ташкилоти тузилган. Бу мамлакатларнинг колонизаторлардан озод бўлишида собиқ СССР давлатининг таъсири катта бўлган. 1947–1991 йиллардаги совуқ уратта даврида собиқ Иттифоқ Африкани мустамлакадан қутқаришни кўплаб-қувватлаш орқали ўз гуманизмини кўрсатмоқчи эди. 1960 йили Москвада африкалик давлат ва сиёсат арбоби Патрис Лумумба номида халқлар дўстлиги университети очилган, рус тилида “Осиё ва Африка халқлари” номли журнал нашр этила бошлаган. Шу жараёнда совет даври плакатларида занжирларни синдираётган африкаликлар кўп тасвирлана бошлади. Занжир колониал қўллик рамзи сифатида кўрсатилади.

1968 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги юртимизда кенг нишонланган. Юбилей муносабати билан 1968 йили Москва шаҳрида ҳам катта йиғилиш ўтказилган ва Навоий тасвирига эга ликопчалар, бир неча хил нишонлар, жумладан, “Занжир-



Афтондил ЭРКИНОВ, филология фанлари доктори, профессор

банд шер” нишони ҳам тайёрланган.

Совет тузумига “Занжирбанд шер” тасвирини Навоий билан боғлаш зарур эди. Бунда Навоийнинг “Занжирбанд шер” расмининг ўзи чизган-чизмагани, суратдаги шер Навоий шахсиятини англатиш ёки англатмас-



Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан тайёрланган “Занжирбанд шер” нишони.

лигининг аҳамияти бўлмаган. Нега? Чунки 1968 йилгача ҳам “Занжирбанд шер” расмига совет мафқурасига мос сиёсий тус бериш мавжуд эди. Айна Африка озодлиги даврида бу нишонга ана эътибор қаратилди. Бу СССРга Навоий давридаги феодализм Навоийдек шерни боғлаб турган, биз большевиклар мусулмон шарҳига озодлик олиб келдик, деб кўрсатиш учун қурол вази фасфини ўтаган. 1960-йиллар совет макониде “занжир” рамзи сиёсий жиҳатдан жуда оммабоп давр эди.

Африка мисолида бу мустамлакачилик занжири ҳисобланса, Навоий учун бу феодализм ва сарой чекловлари занжири, деб талқин этилган. “Занжирбанд шер” нишонини чиқариш орқали совет мафқурачилари қуйидаги фикрни сингдиришган: “Навоий ўз даврининг “шер”и эди, лекин мустабид тузум (Теурийлар саройи) уни қишанлаб қўйганди. Худди бугунги Африка халқлари каби, Навоий ҳам озодликни орзу қилган”. Занжир – Навоийнинг эрки ва ижтимоий ислохотларига йўл бермаган эски тузум рамзи. Бу ерда СССР ўзини “Занжирларни парчаловчи” ролида кўрсатади. Яъни, “Биз келдик ва Навоий орзу қилган эркинликни (феодализмдан ҳоли жамиятни) Шарқ халқларига бердик”, деган ғоя илгари сурилган.



1968 йили Навоий юбилейининг Москва ҳам юқори даражада нишонланиши СССРнинг халқаро обрўси учун керак эди. Бу билан Кремль дунёга (айниқса, озодликка чиқаётган Осиё ва Африка давлатларига) шундай демокчи бўлган: “Биз нафақат келажакни курашимиз, балки Шарқнинг буюк сиймоларини қишанларидан (диний ва феодал тутқунликлардан) қутқариб, уларнинг ҳақиқий қиёфасини очамиз”.

Демак, ўрта аср миниатюрасидаги занжирбанд шер образи 1960 йилларнинг деколонизация руҳи билан уйғунлаштирилган. Навоийнинг советча қиёфаси яратилган – у “сарой шоири” эмас, балки занжирбанд қилинган, лекин руҳи озод ислохотчи сифатида тақдим этилган. Шунинг учун бўлса керак, советлар даврида тайёрланган “Занжирбанд шер” нишонидеги шер қора фонда берилган. Аслида, миниатюрадаги расмда қоронғилик йўқ.

НАВОЙИГА НИСБАТ БЕРИЛГАН

Юқоридаги барча талқинларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: Алишер Навоий чизган деб қаралаётган “Занжирбанд шер” тасвири ҳақиқатан ҳам унинг қаламига мансублиги масаласи ҳозирча баҳслидир, биз фақат бу асар Навоийга нисбат берилган, деган қараш билан чекланамиз.



БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

“ШОҲЛАР ДАРВЕШИЮ ДАРВЕШЛАР ШОҲИ”



Назм мулкининг султони Алишер Навоийнинг мероси нафақат шеърини санъатлар гултожи, балки кўнгли ва руҳ тарбиячиси сифатида ҳам ҳамisha юксак мақомдадир. Ўз даврининг етув ва фаол инсони бўлган Навоий ёшларига эмас, ҳатто салтанат соҳибларига ҳам панду насихатлар қилишга, уларни адолат йўлига бошлашга ўзида маънавий ҳуқуқ сезганки, бу ҳуқуқ, шубҳасиз, унинг беназир истеъдодидан келиб чиқади.

Болалиқдан бирга ўсган дўсти, кейинчалик Хуросон ҳукмдори бўлган Султон Хусайн Бойқаро таърифида ёзган кўплаб битикларида ҳам у дўстни жаҳондорлик васвасасидан огоҳ этиб, тожу тахт эгалари қандай бўлмоғи кераклигини ғўзал мисраларда ифода қилган берган.

Хусусан, улуг шoir “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги саккизинчи ғазалда шоҳлар ва дарвешлар тийнатишни қийслаб, мана шу муқоаса воситасида дўстни эзгулик мулки сари чорлайди. Киши бирон эзгу иш қилмоқчи бўлса, аввало, унинг кўнгли пок, руҳи озод бўлмоғи керак. Бу борада эса Навоий ҳукмдорларга ибрат сифатида айнан дарвешлик рутбасини мисол келтиради. Зеро, қалбию руҳиятини дунё ғамидан қутқарган дарвешнинг ҳаёлида Яратганнинг висолидан ўзга ташвиш бўлмайдими.

Ҳар гадоким, бўрйи фақр эрур қисват анга, Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.

Яъни, фақирлик либосини эгнига илган дарвешга салтанат аҳлининг ғўзал кийимлари даркор эмас, чунки ҳайлу хашам аксар ҳолларда кишини кибрга, манманликка олиб келади.

Шах юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар; Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга.

Ҳукмдорлик белгиларидан бири, шубҳасиз, олам-гирликдир. Агар ўз тахтида муқим ўтирган шоҳ кўшни юртларга юриш қилиб турмаса, вақт келиб дунё аҳлида унинг куч-қудратига нисбатан шубҳа тўғилиши мумкин. Шу сабабли ҳам, тарихда номи қолган ҳукмдорларнинг кўпчилиги ҳарбий юришларни амалга ошириб турганлар. Навоийнинг фикрича, шоҳ юриш қилиб, янги дунёлар очади, жаҳондан кўнгли узган дарвеш эса бу ёлгончи дунёдан имкон қадар қочишга уринади, хил-

ватга чекинади. Чунки дарвеш бу оламнинг бевафолигини, Ҳақдан ўзга барчаси ўткинчи эканини аллақачон англаб етган, шухрат юлдузи энди порлаб келаётган шоҳ эса ҳали бу мақомга етишолгани йўқ.

Ҳар не, шах мақсудидур, дарвешнинг мардуидур!

Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга. Нимаики шоҳнинг мақсади, орзуи бўлса, дарвеш уни аллақачон рад этган. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, дарвеш бу дунёнинг ости-устини англаб етиб, шу қарорга келган. “Бу – унинг ҳиммати, мардлиги. Мақсудга, жаҳондорликка интилоққа эса шоҳнинг ҳолатидир”, дейди Навоий.

Фақр кўйи туфроғин шах мулкига бермас фақир, Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга. Фақир, яъни дарвеш фақирлик дунёсининг бир қафт туфроғини шоҳ тасарруфидан бутун мулкларга алмаштирамайди. Чунки фақирлик дунёсида кўнгли осойишталиги бор. Банданинг бирламчи умиди ҳам аслида шу: Аллоҳ дийдорига умид боғлаб, кўнгли хотиржамлигига эришмоқ. Агар бир сижим туфроққа тенг келолмаса, тирикликнинг бу мулки қанчалик қийматга эга?

Шах сипаҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур, Бу вале чеккак нафас, барбод ўлур ҳашмат анга. Агар подшоҳ лашкар тортиб келса, фақирнинг аҳволига путур етмайди, чунки унинг йўқотадиган нарсаси йўқ. Унинг Ҳақ ишқи билан тўлган озод кўнгли бор, холос. Бироқ, бордию дарвешни ҳафа қилса, унга озор етказса ва дарвеш фарёд қилса, шоҳнинг ҳолига во! Чунки у бир кўнглини оғритди. Кўнгли оғритиш эса оламдаги энг катта гуноҳлардан бири. Фақир шоҳдан ҳафа бўлса, шоҳнинг ҳашамати, дабдабаю аъсаси ўз

қийматини йўқотади, унинг Яратган олдидаги даражаси ҳам пасаяди.

Шах эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин, Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Қайси динга мансублигидан қатъи назар, агар киши Яратганга сидқидилдан иймон келтирган бўлса, у албатта, дўзах азобидан қўриқиб туради. Бордию шоҳ жаҳаннам ваҳимасидан қўрмайдиган бўлса, у шоҳ эмас, яъни чинакам муслим эмас. Аслида, мўминликнинг ўзи шоҳликдир, зеро, ҳақиқий мусулмон Тангридан ўзгага қўл бўлмайди. Ушбу байтнинг иккинчи мисрасида эса Навоий ҳатто жаннатни ҳам рад этган дарвешни улуғлайди. Ўзгаларнинг роҳати учун мангу фароғатдан кеча олиш учун нечоғлик мардлик керак?

Шаҳга сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур, Меҳрдекким, субҳи офоси очар тальят анга.

Шоҳнинг давлати, омади ва обрўси чин дилдан ихлос қилувчи инсонлар нафаси, дуоси ва рост сўзи билан ёруғ бўлади. Бу ҳолатни Навоий тоғ пайти қуёшнинг чиқишига ўхшатади: саҳар нафаси қуёшни намоен этганидек, сидқ аҳли – ростгўйларнинг сўзи, нафаси подшоҳнинг давлатини порлатади. Шоҳни улуг қиладиган нарса ўзравонлик ёки бойлик эмас, балки унинг атрофидан содиқларнинг дуосидир. Ҳамду сано, маддоҳлик эмас, рост сўз, яъни ҳақиқат салтанатнинг умрзоқлик шартларидан биридир, дейди шoir.

Шаҳга шахлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом, Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур нийят анга.

Шоҳ қачон чинакам шоҳ бўлади? Қачонки у дабдабани, ҳашаматни тарк этиб, худди дарвешдай яшаса, муқаррар шоҳ саналади. Шоҳлиқни тарк этиб, дарвешликни доимо ният қилиб яшаса, эл уни улуғлайди. Тўғри, зоҳиран салтанатни тарк этмаслиги мумкин, аммо ботини пок, кибру ҳаводан йироқ, дарвеш кўнглили бўлиб яшаса, шунинг ўзи етарлидир. Зеро, кўнглини поклай олган ҳукмдор авомга зулм қилмайди, юрт адлу эминликда яшайди. Аслида, Навоийнинг орзуи ҳам шу.

Мумкин эрмас шахлар ичра бўйла ниятлиғ, магар Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

“Олам ҳукмдорлари орасида бундай дарвеш кўнглили шоҳни топиш мумкин эмас, бу каби улуг давлат фақат Шоҳи Ғозийга – Султон Хусайн Бойқаро муяссар бўлди”, дейди Навоий ўз дўстидан фойхраниб.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

Чиндан ҳам, ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бойқаро эл-улусга меҳр кўрсатиб, мамлакат ривожига алоҳида эътибор берганлиги тарихдан маълум. Унинг даврини Ойбек домла “Навоий” ро-



Дилобар ЖҲРАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

манида “Хиротнинг подшоҳидан то ошпазигача шoir эди”, дея таърифлайди. Навоий ўз дўстининг ўша маъсум ийиглик йилларини “Шоҳлар орасидаги дарвеш, дарвешлар ичра шоҳ”, “Ташки кўриниши шоҳ, кўнгли эса дарвеш”, деб юксак баҳолайди. Бироқ ҳукмронлигининг сўнги йилларида Бойқаронинг майхўрликка берилиб, салтанат жиловини маликанинг қўлига бериб қўйгани ва бунинг оқибатида суикли набираси Мўмин Мирзонинг қатли тўғрисидаги фармонга сархушлик чоғида муҳр босгани ҳам рост. Мақсуд Шайхзода Хуросон салтанатининг бу инқирозини “Бойқаро саройин шамлари ўчди”, дея ғўзал ифода қилган.

То шаху дарвеш бўлғай айлағил, ё раб, аён, Шоҳдин хидмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Ушбу байтда Навоий “Эй Танграм, шоҳ бўладими, дарвеш бўладими, уларнинг кўнглиларига шуни аён қилгилки, шоҳлар дарвешларга саховат кўрсатгани, дарвешлар эса шоҳларни дуо қилганлари яхшироқдир”, деб таъкидлайди.

Гар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг, Бўлмагунча ҳукм шахдин қайда бу журъат анга?!

“Навоий битган ғазал фақирликдан эмас, у ўз ҳолича панду насихатга қўл урибди, деманг, агар шоҳдан изн бўлмаса, унда (шoirда) бу журъат қаердан пайдо бўларди?” деб сўзини якунлайди Навоий. Эҳтимол, Бойқаро Навоийга “Алишербек, фалон мавзуда бир ғазал битинг”, демагандир, аммо бу лутфини ҳазрат Навоийнинг ўз дўсти, ҳукмдор ва яхшигина шoir бўлган Хусайн Бойқарога нисбатан чуқур ҳурмати рамиз деб тушуноқ керак.

Мухтасар қилиб айтганда, моддий ва маънавий жиҳатдан бой, жамият ва давлатда юксак мақомда турувчи Алишер Навоий, барибир, дарвеш кўнглили инсон бўлган ва салтанат соҳибларини ҳам шу йўлга даъват этган.

Нақшбандийлик шайхларидан бири сифатида Навоийнинг тутган бундай йўли ҳар тарафлама эътиборга моликдир. Бобоклонимизнинг улуглиги шундаки, бир асар воситасида ҳам юксак бадий маҳоратини намойиш эта олган ва бир вақтнинг ўзида чуқур фалсафий ғояларни илғари суриб, замондошлари ҳамда келажак авлодга ибрат бўлган. Имкон қадар шарҳлаганимиз юқоридаги ғазал фикримиз далилидир.

ТАЛҚИН

НАВОИЙ ДУНЁСИ ВА ДУНЁ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

Улуг ўзбек шoirи Алишер Навоий ижодиёти салкам икки асрдан буён дунё адабиётшунослик илмининг доимий тадқиқот объекти саналади. Биз бу ўринда таниқли адабиётшунос, жаҳон халқлари маданияти тарихининг билимдонни академик Николай Конраднинг “Ўрта Шарқ уйғониши ва Алишер Навоий” номли мақоласи ҳақида тўхталишни мақбул билдик. Сабаби, олим томонидан ўз вақтида кун тартибига асосли равишда қўйилган, кенг қўламада тадқиқ этилган илмий муаммолар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Қолаверса, ўзга маданиятга дохил таниқли адабиётшуносликнинг шoir ижодий мероси юзасидан билдирган мулоҳазаларини диққат билан кузатиш, бугунги билимлар мажмуидан келиб чиқиб баҳо бериш, муносабат билдириш ҳамisha фойдалидир.

“Ўрта Шарқ уйғониши ва Алишер Навоий” номли мақола 1968 йилда буюк шoirнинг 525 йиллик тўйига бағишлаб М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтинида ўтказилган илмий сессияда ўқилган маъруза бўлиб, дастлаб 1969 йили “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида Наим Каримов таржумасида чоп қилинган.

Олим Марказий Осиё минтақасининг география эътибор қаратиб, кўҳна цивилизациялар бешиги саналган мазкур макон қадим дунё савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани ва бу ҳолат минтақа халқларининг ўзга маданиятлар билан мунтазам танишувида муҳим омил бўлганини ўринли таъкидлайди. Конрад гапни кўҳна тарихдан бошлар экан, шoir ижодига замин ҳозирлаган ўтмиш маданиятдаги ворисийлик ҳодисасининг барқарор ва бардавонлиги келгусидаги илмий кашфиётларга мустаҳкам пойдевор бўлганига алоҳида аҳамият қаратади. Бундай ёндашув муайян яратилган ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, уни тадқиқ эт-

ганда ворисийлик ҳодисасини доимо диққатда тутиш лозимлиги ва айни ҳолат санъат намунасини чуқурроқ, кенгроқ тушунишга, тушунтиришга асос бўлишини аналатади.

Ҳолбуки, бугун, негадир, масаланнинг бу жиҳати тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда ва Алишер Навоий ижодига оид айрим мақолаларда худди “томдан тараша тушгандек” иш тўтилмоқда, яъни шoir мансуб қадим тарихий-маданий замин назардан соқит қилинмоқда. Буюк шoir эса ўзигача мавжуд барча маданий яратиларни ҳар томонлама пухта ўзлаштириб, танқидий ёндашиб қалам тебратган.

Бу борада мулоҳаза юритар эканмиз, Михал Бахтиннинг қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдга тушади: “Адабиётнинг буюк асарлари асрлар давомида тайёрланади, уларнинг яратилиш даврида эса узоқ ва мураккаб этилиш жараёнларининг сархил мевалари териб олинади. Асарни фақат унинг даврига хос шарт-шароитлардан, фақат энг яқин замоннинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб тушунтириш билан биз ҳеч қачон унинг маъно теранлиқларига етолмаймиз”. Дарҳақиқат, том маънодаги буюк бадийят намунаси ўтмишдан келаётган адабий мерос билан муайян даражада боғлиқ бўлади ва агар шундай бўлмаса, бундай асарнинг умри қисқадир.

Олим Уйғониши – Ренессанс, энг аввало, ҳазрати Инсонга нисбатан муносабатнинг ўзгаришида кўради, унингча, инсонни барча нарсанинг меҳвари деб билиш, уни марказга қўйиш – бу гуманизмнинг асосий мезонидир. Шу ўринда, буюк шoirнинг яратилганлар ичидан энг ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ зот – Инсонга бўлган муносабатини бир эсланг! Бу ҳолат ёлғиз Европа минтақаси учун хос бўлмай, балки кўҳна Шарқ учун ҳам қонуний, табиий рўй бериши мумкин бўлган улкан кўтарилишдир. Бу каби мулоҳазалар Шарқ адабиёти намуналарига янгича кўз билан қараш ва уни умумодабий жараённинг ажралмас, узвий бўлаги сифатида талқин этишга кенг йўл очди ҳамда европаликларни устун билишга оид бирёқлама ғояларга зарба берди.

Шу билан бирга, Конрад буюк шoirнинг миллий тил борасидаги хизматларини, мана, нималарда кўради: “Алишер Навоий “Хамса”сини она тилида яратди. Демак, у шундай бир тил даражасига кўтарилган эдики, шoir унинг ёрдамида ўз онининг бутун мазмунини тўла ифода қилди... Алишер Навоий ўз халқига шундай нарсани мерос қилиб қолдирдики, бу нарса шу тилда сўзловчиларда миллий бирликнинг зарурий ва императив туйғусини вужудга келтиришининг энг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилиши керак эди. У ҳақиқатан ҳам шундай восита бўлиб хизмат қилди. Навоий ўзбек халқининг миллий шoirи бўлиш ҳуқуқига эга эди. Ахир, шoir учун бундан ҳам шарафлироқ рутба борми?”

Шарқшунос шoir дostonларини кенг миқёс ва қўламада дақиқ таҳлил этар экан, уларнинг Ренессансга мансублиги юзасидан ғарб адабиёти намуналари билан қосиштириб, қатор муштарак нуқталар ҳақида ёзди: “Тасвир ва характеристикадаги чегара нималигини билмайдиган ана шундай мулоҳазачилик, фантастиканинг ана шундай жиловсизлиги, романтик – қаҳрамонлик характеридаги саргузаштлар ва қалтис ишлар стихияси билан шу тариқа қизиқиш, фикримча, Ренессанс дostonларининг муҳим хусусиятларини ташкил этадики, уларни ким яратганлиги – Низомийи ёки Тассоми, Навоийи ёки Ариостоми, бунда муҳим роль ўйнамайди. Алишер Навоий – Ренессансга хос бўлган ана шу йўналишининг мухтор вакили. Яна қаерда денг? Қадимги қитъаларнинг эронийлар ва турклар, араблар ва ҳиндлар, хитойлар ва юнонлар яшаган марказий вилоятнинг улкан ерлари вакили”.

Демак, шoir ижодий меросини ғарб адабиёти намуналари билан қийсий тадқиқ этиб, ўзига хос томонлари ёхуд муштарак ўринларини аниқлаш бугунги навоийшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ва бундай ёндашув Алишер Навоийнинг умумжаҳон эстетикаси тарихида тутган маъқеани белгилашга имконият яратиши мумкин.

Олим нозиктаъб адабиётшунос сифатида “Хамса” қаҳрамонлари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларни тарихийлик ва замонавийлик категорияларининг уйғунлигида талқин қилади ва баҳолайди: “Искандарнинг васиятига биноан унинг жасадини Мисрдаги Искандарияга – султоннинг сеvimли шаҳрига дафн этиш учун олиб борадилар. Уни тобутда кўтариб бораётганларида, унинг кўли тобутдан чиқиб қолади. Унинг очиқ кафтида ҳеч нарса йўқ. Тобутдан чиқиб қолган ана шу кафтли кўл – ҳайратомуз бадий образдир. Агар Алишер фақат шу образнигина яратганда ҳам, биз барибир, унинг гениал шoir эканини билган бўлардик”.

Уйлашмишча, бу нафақат ҳайратомуз, балки ибратомуз образдир, чунки унинг мағзидан инсон умри ўткинчи, ким бўлишиндан қатъи назар, бир кун келиб бу фоний дунёни қуруқ қўл билан тарк этасан, деган чўғ фирқ жой олган. Яна бир томони, бугун бутун дунёда барча диққат моддий бойлик орттиришга, нима қилиб бўлса ҳам бирини икки қилишга қаратилиб, инсон маънавий камолоти масалалари орқа ўринга ўтган бир паллада бу фикрларнинг қиймати каррасига ошади. Шу билан бирга, бу каби ҳайратангиз образлар ва ўлмас ғояларни шoir адабий меросидан излаб топиб, замонамизнинг маънавий-маданий эҳтиёжлари билан боғлаб талқин этиш адиб асарларининг умрбоқийлигини таъмин этади.

Гап шундаки, шoir ижодий мероси у ҳаётлик чоғидаёқ бир адабий муҳит доирасидан



Абдурасул
ЭШОНБОЕВ,
адабиётшунос

ташқарига чиқиб, бутун минтақани қамраб олган эди. Бугун эса бу улуг меросни жаҳон адабиёти, аниқроғи, адабий жараённинг узвий, доимий, таркибий қисмига айлантириш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Эслатиб ўтамиз, олим шoir асарлари билан фақат рус тилига ўғирилган ва кўпда нотўлиқ, қисқартирилган таржималар орқали танишади, у тўлиқ шеърини таржималар йўқлигидан афсусланади ҳамда Алишер Навоий адабий меросини рус тилида мукамал нашр этишни долзарб масала деб билади. Ушбу объектив сабабларга қарамай, жаҳон маданияти ва адабиётининг билимдони Николай Конрад шoir ижодининг асл моҳиятини, бутун қудратини дақиқ англаб, уни ич-ичидан чуқур хис қила олгани ва бир мақола доирасида аниқ кўрсатиб бергани аҳамиятлидир.

Кўриб ўтганимиздек, таниқли адабиётшунос улуг шoir ижодиётини жаҳон адабиётининг контекстида тадқиқ этишни бошлаб берган олимлардан бири эди. Бугун у илғари сурган ғоя ниҳоятда долзарб. Зеро, мамлакатимиз барча соҳада жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб борар экан, бу қонуний жараёндан адабиётшунослик, жумладан, навоийшунослик ҳам четда турмаслиги керак.



“Келинг, Алишер Навоийдек шoir бўлгани учун қувонайлик! Бизга шундай шoirни армуғон қилган ўзбек халқига раҳмат айтайлик. Уни фақат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик. Фақат ўқимасдан, унинг устида ўйлаб ҳам юрайлик. Уни ўзимизнинг шoirимизга айлантирайлик.

Николай КОНРАД



9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Алишер Навоийнинг “Фоний” тахаллуси билан битган “Лисон ут-тайр” дostonи совет даврида энг кўп хато билан талқин этилган асари ҳисобланади.

Шунинг учун уни “ишқнома” деб аташ даб-дурдустдан кўпчилик томонидан тўғри қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Чунки биз “ишқнома” деганда, икки жинс вакили бўлган ошиқ ва маъшук муҳаббат акс эттирилган, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Зайнаб ва Омон” каби асарларнигина тушунадиган бўлиб қолган эдик-да. Шунинг учун совет даврида олий таълим талабалари учун дарслик сифатида чоп этилган “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг биринчи китобида (1976) ҳам, фундаментал тадқиқот бўлмиш беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг XV асрнинг иккинчи ярми адабиётини ўрганишга бағишланган 2-жилдида (1977) ҳам “Лисон ут-тайр”нинг ишқий дoston экани қайд этилмаган.

Навоийнинг яна бир асари бўлмиш “Маҳбуб ул-қулб” – охиригача мағзи тўлиқ чақилмаган ўта муҳим ва ноёб бадиий ёдгорлик. Унда, жумладан, шоирлар ва ошиқлар ўта нозик даражада, доҳиёна зукколик ва аниқлик билан тасниф қилиб берилган. Шоирлар таснифида улар ижодида айнан тасаввуф нуқтаи назаридан туриб ёндашилади. Дадил туриб бундай дейишимизга асос бўладиган сабаб шуки, тилга олинган бир араб ва йигирма форс-тожик шоири орасида “малик ул-калом” Абу Абдулло Рудакий (858–941) билан “устоди фан” Абулқосим Фирдавсий (935–1020) йўқ. Чунки уларнинг шеърятини тасаввуф унсурлари мавжуд эмас-да. Шундай қилиб, Навоий шоирларни беш гуруҳга бўлади: “маоний ҳазойиндин маърифат жавҳарин тер”ганлар; “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳсул қил”ганлар; “ажоз тариқи адоси алар назмига голиб ва алар бу шевага кўпрак роғиб”лар; “ҳақиқат ва мажоз тариқиди қомил ва илми иккаласи тариқиди вофий ва шомил”лар; “назм била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманд”лар.

Демак, биринчи гуруҳ ҳақиқий ишқни куйлайди. Иккинчи гуруҳ ҳақиқий ишқни мажозий ишқ орқали куйлайди, яъни Худонинг сирларини мажоз, демак, унинг суварти, нусхаси, рамзини тасвирлаш орқали акс эттиради. Учинчи гуруҳ мажозий ишқнинг ўзинигина куйлайди. Тўртинчи гуруҳ ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий ишқни баравар куйлайди. Бунга муаллиф фақат Абдураҳмон Жомийнинг киритади. Мантиқан ва мохиятан Навоий ижоди ҳам ана шу гуруҳга мансуб. Бешинчи гуруҳ ҳаётни тасвирлайди, лекин бу тасвирларнинг ҳақиқий ишққа ҳеч алоқаси йўқ. Буни муаллиф “адно табақа”, яъни “паст тоифа” деб ҳисоблайди. Худди ана шу гуруҳ асарларида дунёвий ишқ куйланиши мумкин. Навоий дастлабки тўрт гуруҳга қамлар киришини аниқ қилиб айтиб ўтгани ҳолда, бешинчи гуруҳга мансуб бирон-бир шоирнинг номини тилга олмайди. Буни, одоб доирасидан ташқари, деб ҳисоблаган кўринади.

Бу таснифотда, биринчидан, туркий адабиёт қамраб олинмаган (бунинг сабабларини аниқлаш – илм учун алоҳида масала, биз бу мавзуга дахл қилмадик), иккинчидан, муаллиф камтарлик қилиб, ўзини ана шу тўрт гуруҳнинг бирортасида қайд этиб кетишни лозим топмаган. Бироқ мақсади келажак авлод китобхонларига шундай аниқлик қалитини топириб кетиш ҳам бўлган эди, дейишга тўла асосимиз бор. Гарчи туркий адабиёт қамраб олинмаган бўлса-да, бу таснифни туркий шоирларни гуруҳлаштиришда ҳам бемалол қўллашимиз мумкин. Навоий замонасида айнан шундай ёки шунга яқин таснифдан фойдаланилганини тасдиқлаш учун қўлимизда етарли далил ҳам мавжуд. Бу “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида келтирилган ҳазилга йўғрилган бир суҳбат. Унда Насимий ишқ ҳақиқийни, Лутфий эса ишқ мажозийни куйлаган шоир сифатида қайд этилади.

“Маҳбуб ул-қулб”да ошиқлар ҳам тасниф этилади. Уларни муаллиф тўрт гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳда уч турдаги ошиқни санайди: инсон ошиқ тимсоли (Фарҳод, Мажнун); рамзий ошиқлар (парвона, у шамга ошиқ; андалиб, у гулга ошиқ); ишқни куйлаган шоир ошиқлар (Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий). Бу ошиқларнинг ҳаммаси бевосита адабиёт билан боғлиқ. Шу тариқа асар муаллифи ишқни олдиндан сўз санъатига вобаста қилиб қўяди. Чунки бу унга кейин яна керак бўлади. Ҳўш, булар кимга ошиқ? Яъни маъшук ким?

Навоийнинг жавобига кўра, у – бир хусн: “Ва ул маъшук хуснедин (“бир хусндан”) иборатдурким, “Инналлоҳу жамилун юхйиб ул-жамоат” (бу ҳадиси шариф мазмуни: “Ҳақиқатда, Аллоҳ гўзалдур ва гўзалликни севади”) андин хабар берур...”

Бу “хусн сultonи” – Тангри таоло. Муаллиф шоирларни тасниф қилганда, кўрганмиздек, ана шу ҳақиқий маъшукқа ишқ қай даражада тасвирлангани ёки тасвирланган-тасвирланмаганидан келиб чиққан эди. “Лисон ут-тайр”да мажозий ишқ куйлангани ёки ҳақиқий ишқ тараннум этилганими? деган масала мохиятини аёнлаштиришда бу жуда муҳим нуқта ҳисобланади.

Ҳақиқий ишқ ҳам, мажозий ишқ ҳам мохиятан битта тушунчанинг таркибий қисмларини ташкил этади. Иккаласининг замирида ҳам амалда Аллоҳ таолога муҳаббат, яъни илохий ишқ ётади. Шунинг учун “ҳақиқий ишқ” билан “илохий ишқ”, бизнингча, тенг тушунчалар эмас. Бошқача айтганда, “ҳақиқий ишқ” ва “мажозий ишқ” адабиётда ҳодисани англатади. Илохий ишқ – Худого ишқ. Уни адабиётда тўғридан-тўғри тасвирлаш усулига “ҳақиқий ишқ”, бирор аллегорик, яъни мажозий йўл билан тасвирлаш эса “мажозий ишқ” дейилади.

Демак, илохий ишқ тушунчаси ҳақиқий ишқни ҳам, мажозий ишқни ҳам ўз ичига қамраб олади. Булар, албатта, муулмон Шарқи мумтоз адабиётда мавжуд ишқ тасвири таснифотидаги янги қарашлар. Биз бу атамаларни ана шу тарзда қўллашни таклиф қиламиз.

Хулоса чиқяптики, “мажозий ишқ” дегани “дунёвий

ишқ” дегани эмас. Асло, Ахир, дунёвий ишқ замирида Худого ишққа, ҳатто, ишора ҳам кўзда тутилмади-да. Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар”идаги Отабек ва Кумуш, “Меҳробдан чаён”идаги Анвар ва Раъно, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон”идаги қаҳрамонлар ўртасидаги ишқни қайси асосларга кўра “мажозий ишқ” дея оламиз? Бундай ишқни “дунёвий ишқ” дейиш керак.

“Лисон ут-тайр”да ҳам, унга асос бўлган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ида ҳам мохиятан ҳақиқий ишқ куйланган. Бироқ бу икки дostonда, кириш бобларни ҳисобга олмаганда, Худо тимсоли йўқ. Симуф рамзан Аллоҳни англатиб келган. Бу дostonларни ҳар қанча ишқ ҳақиқий таърифидаги асар сифатида баҳоласак ҳам, уларда мажозининг ҳам алоҳида ўрни бор.

“Маҳбуб ул-қулб”даги ошиқлар таснифи билан шоирлар таснифи айнан мос тушмайди. Бунга асосий сабаб нима? Мантиқан иккаласи бир хил бўлиши ке-

Худого ҳамд айтади.

Осмон жисмларининг ҳаракати, ўсимликларнинг кўкка бўй чўзиши, қушларнинг сайраши, дарёларнинг оқишию денгизларнинг мавжланishi – ҳамма-ҳамма нарса замирида ишқ ётади. Ишқ – ҳаётнинг мағзи. Унинг мавжудлик тарзи. Модомики, адабиёт ҳаётни акс эттиришга маъсул экан, у айнан ана шу ишқни куйлаши зарур. Ишқнинг ҳақиқийси эса – Аллоҳга муҳаббат, албатта. Бу таҳлиллардан, Навоий – бус-бутунича тасаввуф шоири, деган хулоса келиб чиқади.

Учинчиси, сиддиқлар ишқи. “Садақа”, “сидқ”, “сиддиқ”, “содиқ”, “садоқат” сўзлари, шунингдек, “сиддиқидил” қўшма сўзининг биринчи калимаси бир ўзакдан ясалган. Оддий маънода, ростгўй, садоқатли, оқилли одамга нисбатан ҳам “сиддиқ” сўзи ишлатилади. Диний маънода Худого қаттиқ ишонувчи, йимони ўта бақувват, Яратганга сиддиқ комил киши кўзда тутилади.

“Лисон ут-тайр” – ИШҚНОМА

рак эди-ку. Навоийшунослигимизда ҳозирча масала бу тарзда кўйилмаган.

Ҳолбуки, вазият шунинг тақозо этади. Буни аниқламай туриб, масаланинг асл мохиятига етишнинг асло иложи йўқ.

Навоий ошиқлар таснифида ишқни энди бешга эмас, учга ажратади.

Биринчиси, авом ишқи. “Авом”ни ҳозир, асосан, “ўқимаган”, “тушунмаган”, “қолоқ” одамларга нисбатан ишлатилади. Сўз аслан “халқ”, “кўпчилик”, “омма” деган маънони англатади. Шунинг учун Навоий таснифидаги бу сўзни “оммага, яъни кўпчиликка хос ишқ” деб тушунишимиз керак. Бу ишқни таърифлар экан, адиб шундай деб ёзади: “Авом ун-нос орасида бу машур ва шоеъдурким, дерлар: “Фалон фалонга ошиқ бўлутур” ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларча лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмининг бийиқрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ ва пастроқ мартабасида паршонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижоблиққа сабаб”. Охири никоҳ билан тугайдиган бу ишқни бугун “дунёвий ишқ” деб юритамиз.

Иккинчиси, хавосс ишқи. “Хавосс” – “хос кишилар” дегани. Навоий таърифича: “Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзголмақ ва бу пок маъҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ”. Пок маъҳарга пок назар билан боқиш шарт. Бу пок маъҳар воситаси билан маҳбуби ҳақиқий, яъни Тангри таоло жамолидан баҳра олиш зарур. Ўзи-ку, “хавосс” деганда, сўфийлар, яъни Худого ошиқлар тушунилади. Аммо Навоий хавосс ишқи қисмида ҳам сўфийларни эмас, балки шоирларни тилга олади – Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий номларини ҳурмату эҳтиром билан қайд этади.

Кейин камтарлик билан ҳазрат Жомий муҳаббат жомидида куйқаларни ичган, яъни унга пайравлик қилган ва унинг иршоди сулуқидан фонийваш бўлган, дарду ишқ йўлида айтганлари турк улусида ҳароратомез ва сорт (форс-тожик) хайлида офатангез бир гуруҳни ҳам қўшади: “Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дурдақашлар ва иршоди сулуқидан фонийвашларким, дарду ишқ таври адосида гўфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангездур”. Бу жумлада Навоий ўзини ҳам кўзда тутди (“фонийвашларким” сўзи ҳам бежиз қўлланмаган). Бу билан ўзини ҳам шу хавосс ишқи вакилларига қўшади. Баҳонада бу тоифа шоирларнинг мақсадини ҳам баён этади.

Учингча, бу шоирларнинг мақсади учта: ўзини ана шу хавосс ишқига мансуб қилиш; ошиқнинг оғир аҳвол ва маъшукнинг ҳаддан ташқари гўзаллигини тасвирлаш; ошиқ ва маъшукнинг бир-бирига яқинлиги ва муносиблиги, моллашуви ва тарбиятини акс эттиришдан иборат. Чунки бутун коинот бозорининг тўс-тўполони ва моддий олам гўмбазли ёпиқ бозорининг шовқин-сурони ана шу ишқни сўз ва товуш орқали ифодалашдан келиб чиқади ва бусиз инсоннинг қаломи жони йўқ бир танадек, башарият алфози ва иборалари гулу райхонсиз бир чамандек гап.

Шу тариқа, Навоий китобхонни мана бу хулосани ҳазм қилишга тайёрлайди: “Сўзим, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосилеким, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга борча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур”. Агар сўзининг дард таъминдан ҳарорати бўлмаса, уни нурсиз шам ва бошлиқсиз жамоа гумон қилиш лозим. Бирор асар ёзилса, унда сўз ишқ таронасидан иборат бўлиши керак ва бундан бошқа нарсалар фақат афсона, холос, сўз ишқ сўзидан бошқа нарса бўлмасин, кўнгулда ҳаёт хузур-ҳаловати фақат ишқнинг ўзидангина иборат. Хулоса ўрнида келтирилган байтда Навоий, адабиётнинг бош вазифаси ишқни куйлашдан иборат бўлмоғи даркор, деган позициясини қатъий қилиб қўяди:

Сўзим, маъносиди ишқ ўти нишони бўлмағай, Бир таарруқсиз бадан онглаки, жони бўлмағай.

Гап ишқ зикрида кетаётган эди. Фикр бурилиб, адабиётга боғланди. Чунки тасаввуфий дунёқараш бўйича қаралса, бутун борлиқнинг яратилишидан асосий мақсад – ишқ. Жонли ва жонсиз мавжудотнинг ҳаммаси

Пайғамбарлардан Юсуф алайҳиссаломнинг, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаларидан Абу Бакрнинг лақаби “Сиддиқ” бўлган. “Сиддиқ” деганда, ҳамма нарсани Худо кўриб-билиб турибди, деб ҳисоблаб, ҳеч қачон ёлгон гапирмаслик ё хато иш қилмаслик ҳам тушунилади.

Аммо Навоий “сиддиқ” сўзини тасаввуфий маънода қўллаб, шарҳлайди. Сиддиқлар – ошиқларнинг энг юксак даражага етганлари. Навоий таърифича, уларда куйидаги хусусиятлар мавжуд: сиддиқлар Ҳақнинг жамони жилосига у акс этадиган нарса воситасисиз, яъни тўғридан-тўғри шайдо; булар шу даражада ўзини йўқотганки, Ҳақ жамони акс этадиган нарсаларни мушоҳада қилиш улардан олиб қўйилган; бир нарсага (Худого етишга) ҳаддан ташқари берилишлари оқибатида атрофдаги бор нарсаларни кўриш, унга гувоҳ бўлишдан мосуволик уларда ҳалок бўлиш мақомини ҳосил этган; агар ҳодисалар ели фалак гулшани varaқларини учирса, улар бундан хабар топмайди ҳам ва юлдузлар гулбарглари ҳар тарафга совурса, уларга ундан асар етмайди ҳам; ҳис-туйғулари тажаллиёт жамони зарбасидан ва шавқлари чексиз ишқ ҳужуми галабаларидан ҳосил бўлган; соҳиби китоб бўлган пайғамбарлар – Довуд, Мусо, Исо алайҳиссаломлар ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам етган даражалардан назарларини олишмайди ва Аллоҳга яқин фаришталар ўтган йўлларга назар ташлашмайди; ҳол-бин муктадирин” мақомиди ором олганлар ҳисобланади; бу тоифани “восиллар”, яъни “васлга етганлар” ва “ишқдан васл мақсади ҳосил бўлганлар” дейишади.

Сўнг муаллиф хулосага ўтади: “Ишқнинг гоъти бу ергачадур ва ошиққа васлнинг ниҳояти бу сўзни дергачадур. Бу ошиқларким, оллинда қабул аҳлидурлар ва тарикати машойиш истилоҳотида “вусул ахли”, дурлар, буларни “Тангрига ошиқ” деса бўлур, “маҳбуб” ҳам ва “Ҳақга толиб” от қўйса бўлур, “матлуб” ҳам”. Бу ошиқнинг маъшукқа айлиниши жараёнини акс эттиради.

Чунки ишқ комилликка етса, ошиқ маъшукқа айланади. “Бу ошиқ эди” ёки “Бу маъшук эди”, деб ўтиришга ҳожат қолмайди. Ҳаллоқнинг: “Ана-л-Ҳақ” (“Мен Худоман”) дегани, Мажнундан исмини сўраганларида: “Лайли”, деб жавоб қайтаргани, “Лисон ут-тайр”да (“Мантиқ ут-тайр”да ҳам) қушларнинг ўзи “си мурғ” (“ўттиз қуш”) бўлгани тасаввуфда “васл” деганидир.

“Сади Искандарий” дostonининг 1-бобида шоир Аллоҳга мурожаат қилиб, сенинг чиройинг Куёшига инсоннинг ўзлиги парда бўла олади, агар уни ўзлигидан кечтирсанг, унинг сенга бўлган ишқи кучаяди, қаёқда бокса, сени кўради, ўзини йитиради, дейди:

Сени кўрди ҳар ёнки, солди кўзин, Чу бори сен ўлдунг, итурди ўзин.

Бу ҳам айнан “Лисон ут-тайр”даги ўттиз қушнинг ўзлари “си” “мурғ” бўлгани билан бир хил ҳолат тасвири ҳисобланади.

Навоий умрининг сўнгига “Маҳбуб ул-қулб”ни бежизга ёзмади. Бу асар амалда шоир ва мутафаккир дунёқарашининг хулосаси, шу билан бирга, барча асарларининг ўзига хос қўлланмавий очкичи, яъни калити ҳам ҳисобланади.

Ундаги шоирлар ва ошиқлар таснифидан беҳабар ҳолда унинг ижоди, хусусан, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Лисон ут-тайр” дostonлари мохиятига асло етиб бўлмас эди. “Маҳбуб ул-қулб” таснифларига суяниб, айтиш мумкинки, “Фарҳод ва Ширин”да хавосс, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Лисон ут-тайр”да сиддиқлар, “Сабаъи сайёр”да эса авом ишқи тасвирланган.

Бир қарашда, “Фарҳод ва Ширин”да ҳам, “Лайли ва Мажнун”да ҳам севишганлар ишқи қаламга олинган. Энди савол туғилади: нима учун тилга олинган бу биринчи дoston номида ошиқ (Фарҳод) олдин, маъшук (Ширин) кейин тилга олинган-у иккинчи дostonда маъшук (Лайли) олдин ва ошиқ (Мажнун) кейин қайд этилган? Сабаби, “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳод – Ширинга нисбатан фаол, “Лайли ва Мажнун”да Лайли – Маж-



Султонмурод ОЛИМ

нунга нисбатан фаол. “Лайли ва Мажнун”даги баъзи воқеаларга асосланилса, Лайли оқилна иш тутиб, Мажнунга нима қилмоқ кераклиги йўлини кўрсатади ҳам.

Тасаввуфий жиҳатдан, “Фарҳод ва Ширин”да саҳв



(хушёрлик) йўли тасвирланган, “Лайли ва Мажнун”да эса суқр, яъни мастлик, сархушлик йўли.

“Хамса”нинг биринчи дostonи бўлмиш “Ҳайрат ул-аброр”ни бешликнинг умумий кириши, деб ҳисобласак, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун”ни тезис сифатида қабул қилишга тўғри келади. Уларда, тасаввуфда саҳв йўли билан ҳам, суқр йўли билан ҳам асл мақсадга, яъни ёр васлига етиш мумкин, деган гоё илгари сурилиб, ҳаётий воқеалар далили орқали исботланган.

“Сабаъи сайёр” эса антитезис вазифасини ўтади. Яъни унда: “Агар саҳв йўли билан ҳам, суқр йўли билан юрилмаса, нима бўлади?” деган савол ўртага ташланади, ҳаётий исботи билан жавоб берилганки, бунда асл мақсад амалга ошмайди. Табиийки, “Сади Искандарий” синтес ўрнида келади. Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ўзбек мумтоз адабиётдаги рубоийлар композициясида 1- ва 2-сатрлар – тезис, 3-сатр – антитезис ва 4-сатр – синтездан иборат бўлишини яхши кўрсатган ва биз юқоридаги хулосани илгари суришда ана шу тайёр формулировкага суяндиқ.

Навоий “Фарҳод ва Ширин”да салафлари асарларига ҳам танқидий ёндашиб, жумладан, Хусравнинг кўп хотинли қилиб тасвирлангани, яъни унинг гоҳ Марям, гоҳ Шакар, гоҳ Ширин ишқиди ёнганини қоралайди. Лекин ўзи “Сабаъи сайёр”да Баҳромни етти қасрда етти мамлакат маликасига уйлантириб қўяди. Баҳром ўзи бу ёқда Дилором ишқиди куйиб-ёниб ётибди-ю, бу ёқда ҳар кеча бир янги хотини оғушида ором оляпти. Бу – “Фарҳод ва Ширин”даги муаллиф позициясига тамоман зид. Чунки “Сабаъи сайёр”да шоирнинг мақсади охири никоҳ билан тугайдиган авом ишқи фожиасини кўрсатиш бўлган. Бунинг замирида, агар ишқ авом тасаввуфлари даражасидан юқорига қўтарилмаса, яъни яшайдан мақсад умрни Яратган васлига етиш ишқи билан ўтказишдан иборат бўлмаса, фойдаси йўқ, дейиш илмичи ётибди. Шунинг учун Навоий асарлари, хусусан, дostonлари мохиятини унинг умум ижодида, яъни бошқа асарларидан айри ҳолда таҳлил этишнинг асло иложи йўқ. Бу жиҳатдан “Лисон ут-тайр” аниқса ажралиб туради. Таҳлилларимиз Навоий асарларини ўзаро қиёсий ўрганиш йўлидаги дастлабки уринишлардан бири сифатида қабул қилиниши лозим.

Энди “ишқ”, “ошиқ” (“ушшоқ”) ва “маъшук” тушунчаларининг ўзаро вобасталиги масаласи ўртага тушади. “Сади Искандарий” 1-боби охирида мана бу байтлар ҳам келади:

Яқин англасам, ғайр бордур ҳам, Ўзунг ошику ишку маъшук адам, Чу маъшукку ошиқ сен ўлдунг тамом, Санга ишку ушшоқдин, вассалом.

Бу мисолларда Худонинг ўзи “ишқ”, “ошиқ” (“ушшоқ”) ва “маъшук” экани аёнлашади. Чунки ишқнинг манбаси – Аллоҳ таоло. Демак, у – маъшук.

Ошиқ (банда) маъшукни севади. Унинг ишқи комилликка етса, маъшук ҳам ошигини севади. Севдимки, энди унинг ўзи ҳам ошиққа айланади. Васл юз бериб, ошиқ билан маъшук қовушади. Сўфийнинг руҳи Аллоҳга етади. Энди: “Бу ошиқ эди, буниси маъшук эди”, деб ажратишнинг ҳеч имкони қолмайди. “Лисон ут-тайр”да ўттиз (“си”) қуш (“мурғ”)нинг ўзи “Симуф” бўлгани мохиятида ҳам айнан шу гоё ётади.

Шунинг учун ҳам “Лисон ут-тайр” ишқномадир.



ОЛАМ ОЛИМИ



АЛАН МАКДИАРМИД

Ўтказувчан полимерлар орқали электроника ва келажак технологияларида инқилоб ясаган нобелчи

Замонавий кимё, материалшунослик ва нанотехнология фанларининг ривожланишида олим, кимё буйича Нобель мукофоти лауреати Алан Макдиармиднинг ўрни беқиёс. Унинг ўтказувчан (conductive) полимерлар соҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари анъанавий электроника тасаввурини тубдан ўзгартириб, янги авлод функционал материалларининг яратилишига асос солди. Унинг илмий ютуқлари жаҳон миқёсида кенг эътироф этилган бўлиб, тадқиқотлари асосида органик электроника, LED дисплейлар, сенсорлар ва биотиббий курилмалар ишлаб чиқарилмоқда. У илм-фанни амалиёт билан боғлаб олган, фундаментал кашфиётларни реал технологияларга айлантирган олим сифатида тан олинади.

ИЛМИЙ БИОГРАФИЯ ВА МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИ

Алан Грэхам Макдиармид 1927 йил 14 апрелда Янги Зеландияда туғилган. У кам таъминланган оилада воёга етганига қарамай, илмга бўлган қизиқиши ва қатъияти туфайли катта муваффақиётларга эришди. Макдиармид Веллингтон университетидан таълим олгандан сўнг АҚШга кўчиб ўтди, Пенсилвания университетидан докторлик (PhD) даражасини қўлга киритди. У ўз илмий фаолияти давомида Калифорния университети (Санта-Барбара)да ҳам профессор сифатида иш олиб борди. 2000 йилда у Ҳидеки Ширакава ва Алан Хигер билан биргаликда "Ўтказувчан полимерларни кашф этгани ва ривожлантиригани учун" кимё буйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Олим полимер кимёси ва электр ўтказувчан органик материаллар билан шуғулланган. Тадқиқотлари натижасида одатда изолятор деб қаралган пластмасса материаллар маълум шароитларда электр токини ўтказиши мумкинлиги илмий жиҳатдан исботланди. Олим полиацетилен каби ўтказувчан полимерларнинг тузилиши, допинг жараёнлари ва электрохимик хоссаларини чуқур ўрганиб, органик материалларнинг янги синфини яратишга муваффақ бўлди. Бу эса кимё ва физика фанлари ўртасидаги чегараларни очиб берган муҳим кашфиёт сифатида баҳоланади.

ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН АҲАМИЯТИ

Алан Макдиармиднинг илмий ишлари замонавий технологиялар ривожига катта амалий аҳамиятга эга. Унинг тадқиқотлари асосида бугунги кунда органик ёруғлик диодлари (OLED), қуёш батареялари, биосенсорлар, электрон қоғоз, енгил электрон курилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу технологиялар энергия тежамкорлиги, экология хавфсизлиги ва нархи арзонлиги билан ажралиб туради. Шу боис бу кашфиётларга келажак "ашил технологиялар"нинг илмий пойдевори сифатида қаралади.

ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

Олим полимерларнинг нано миқёсидаги хусусиятларини ўрганиш орқали нанотехнология ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг ишлари органик материалларни биотиббиёт, фармацевтика ва сунъий интеллект курилмаларида қўллаш имкониятларини очиб берди. Макдиармид ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, фанлараро тадқиқотларни ривожлантириш ва инновацион фикрлашни рағбатлантириш тарафдори бўлган. Унинг фикрича, ҳақиқий илм-фан, жамият ва иқтисодиёт ўртасида кўприк бўлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН ВА МАКДИАРМИД

Жадид бобомис Абдулла Авлонийнинг невараси, кимё фанлари буйича фалсафа доктори, полимерлар ва нанотехнология кимёси буйича муҳандис Жамшид Авлоний фикри: – Америкалик олим Алан Макдиармид менга устоз бўлгани ҳаётимда муҳим воқеалик ва ютуқларимга асос бўлган. Даставвал, мен у киши олиб борган тажрибалар ва мақолаларни катта қизиқиш билан кузатиб борардим. Сўнг илмий тадқиқотлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириб, кўплаб хатлар ёздим. Ниҳоят, Алан Макдиармид билан Германия ва Австрияда ўтказилган конференцияларда учрашишга муваффақ бўлдим. Узаро суҳбатдан кейин бирга ишлашни таклиф қилди. Бундан жуда хурсанд бўлдим.

Олимнинг лабораториясида 1991 йилдан 1995 йилга қадар ишлаб, катта тажриба орттирдим. Бу инсон ўтган асрнинг 70-йилларида полимерларга оид изланишлар олиб борган. 2000 йилда устозим ҳамкасблари билан бирга Нобель мукофоти билан тақдирланди. Ушбу эътирофга сабаб бўлган илмий янгиликда менинг ҳам камтарона ҳиссам бор.

Алан Макдиармид умри давомида санокли мутахассис билан ишлаган. Улар орасида бўлганимдан фахрланаман.

ХУЛОСА

Алан Макдиармиднинг илмий мероси замонавий кимё, материалшунослик ва юқори технологиялар ривожига улкан аҳамиятга эга. Унинг ўтказувчан полимерлар соҳасидаги кашфиётлари инсониятнинг технология тараққиётига янги йўналиш берди. У нафақат буюк олим, балки илмга садоқат, меҳнат ва қатъият орқали юксак чўққилларга эришиш мумкинлигини исботлаган илҳом манбаи сифатида ҳам тарихда қолади.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

Бошланиши 1-саҳифада.

Алқисса, фақирингиз озоду обод ва ҳам саодатманд Ватанимизнинг муборак тупроқларидан олинган Абду Райҳон Беруний, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Султон Ҳусайн Мирзо, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб (уларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин) каби улуг сиймоларни зиёрат этмоққа кўп йиллардин буён орзуманд эрди. Қадам урмоқ нияти пайдо бўлган замондаёқ, мардуми хушёрдан "Ул тупроғда хавфу хатар бисёрдир" қабилда кўп дафъа чақирғи бўлди. Қўлингиз эрса, бисёр шижоатлиг ва ҳам сертаваққулким, анинг улуг аждодлар зиёратидан бенасиб қолмоққа зинҳор ҳаваси йўқдур.

Шу фурсатларда мутлақо тасодифан ойинаи жаҳонда ҳазратимнинг муборак сиймоси пайдо бўлиб, мисра ўқилдики:

"Йул ямону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, девилу кўйил қадам".

Муниким, ғойибдан келган шакли ижоза ўлароқ қабул айлаб, йўлга тушдим.

ТАРИХ ЎТТИЗ ВА ЎТТИЗ БИРИНЧИ ЯНВОР ВОҚЕЪАЛАРИ

Афғон ўлкасига кирмак учун ижоза олмак гоят мушкулдур... Мундин аввал тақрибан бир ой зўр бериб урундим. Турлиғ идораларга пайғом йўллаб, неча-неча боди сабога арзимни айтдим. Охири таввақул айлаб, сарҳад сари юзландим. Бориб, бир ҳоҷатбарорни топиб, йўлларини ўргандим. Айтдиким, ҳозир консул қабулига кириб, қон ютсанг ҳам зинҳор ишинг битмас. Ҳаргиз ёдингда бўлсинким, жарида, рўзнама ва ё газет муҳбири эканингни ҳеч кимга айтма. Кимсан, шаҳри Тошканд доруғаси бўлсанг-да, касбу корингни хуфя тут. Зиёрату тижорат, сиёсату раёсатга алоқаси йўқлар кира олурким, сен алардан эмаслигинга ишонтир. Мен эсам, рости-русти тамоилини маҳкам тутдим ва қабулга кирдим. У ерда пуштун, тожик, ҳиндий, эроний, ва албатта, туркийлар навбатда турганди ва ҳар иккинчи одам ортига ноумид қайтаётганди. Худованди карим пок ниятлиг бандасига раҳм айлаб, мени бир туркманга рўбару қилди. У ҳужжатларимни рисоладагидек тўлдириб, қардошига қайишди. Сўғин мен олдиндан тайёрлаб кўйилган ва бир мисқолча ёлғони йўқ боҳонами пешкаш қилдим. Улар мун тинглаб ўбдан кўз ёши қилуб, рухсат бердилар.

МЕНИНГ ТАЪСИРЧАН НУТҚИМ

"Асли волидаи муҳтараманинг бобоси мулкдор ўтган. Бу сабабданким, шўролар даврида кўп машаққатга гирифтор бўлган. Босқинчининг аскарини ургач, уни Сибир қилмоқ пайига тушдилар. Жон омон бўлса, дўпйи топилар. Дея бир кечада юртдан чиқиб кетишга қарор беради. Афғонистонга муҳим жойлашиб олгач, ортда қолган фарзандларини тилаб, неча дафъа мактуб йўллайди. Бу ердагилар хатларни шўро фитнаси дея гумон қилиб, мундоғ жавоб ёзадилар: "Фарзандларинг касалликдан ўлдиким, бошқа сўрма..." Шундан-шу ота-болалар бир-бирини тиламай қолади. Алқисса, мен шу бобокалоним қабрини излаб келдимки, раҳматли бобомнинг васияти шу эрди..."

ҲАЙРАТОН ҲАЙРАТЛАРИ

Бахтимдан айланай, икки давлатни боғлаб турувчи ягона кўприқдан ўтиш насиб этди. Чунки 2021 йилда бу ер ёпилган, Айритомдан бир соатлик йўл бўлган Мазори Шарифга етиб бориш учун кишилар Тожикистон орқали бир кун айланишга мажбур бўларди. Ҳозир бу чекловлар бекор қилинган.

Кўприқда туриб, муаззам Амударёга термулганча, тўйиб нафас олиш бахтига муяссар бўлдим. Шу дарё ортида ўн миллиондан ортиқ ўзбек яшайди. Улар "Ур-

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАРҚАТГАНЛИК УЧУН ЖАРИМА Нидерландия маълумотлари ҳимоя қилиш бошқармаси 10 та бошқарув органини мусулмон жамияти ҳақида уларнинг рухсатсиз тадқиқот ўтказиб, шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунларни бузгани учун жами 250 минг евро миқдориде жаримага тортиди. Бу ҳақда NOS телеканали хабар берди.



2021 йилда муниципалитетлар махфий равишда тадқиқотлар буюртма бергани ва мусулмон аҳолиси ҳақидаги шахсий маълумотларни ўз ичига олган файлларни қайта ишлагани маълум бўлган эди.

АЁЛЛАР МОТОЦИКЛ ҲАЙДАШИ МУМКИН

Эрон ҳукумати аёлларга мотоцикл ҳайдаш учун лицензия беришни назарда тутуви қарорни маъқуллади. Шу тариқа аёлларга расмий равишда икки гилдиракли

транспорт воситаларини бошқаришга рухсат берилди. Бу ҳақда Anadolu хабар берди.



Ҳукумат қарори ҳозирда ижро босқичига кирган, бироқ лицензиялар берилиши бошланадиган сана аниқ эмас.

ЭНДИ ИСПАНИЯДА ЧЕКЛОВ

Испанияда 16 ёшга бўлган шахслар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Педро Санчес БААда бўлиб ўт-



ган етакчилар куммитида маълум қилди.

Бош вазир сўзича, алақоқибат ижтимоий платформалар "шунчаки хўжақўрсинга эмас", балки фойдаланувчилар ёшини назорат қилишнинг самарали тизимини жорий этишга мажбур бўлади.

Таклиф этилаётган тақиқ воёга етмаганларнинг рақамли ҳимояси тўғрисидаги амалдаги қонунга ўзгартиришлар доирасида қабул қилинади. Қонун лойиҳаси муҳокамаси келгуси ҳафтада бошланиши кутилмоқда.

ОҚ УЙ ЁНИДА КОЛУМБ ҲАЙКАЛИ



АҚШда Президент Дональд Трамп ташаббуси билан Оқ уй ҳудудида машҳур кашшоф Христопфор Колумб ҳайкали ўрнатилиши мумкин. Бу ҳақда Kotopnews нашри хабар берди.

Ёдгорлик 2020 йил ёзида шикастланган Колумб ҳайкалининг қолдиқларидан ясалади.

Навоий Ҳиротда,



тамизга бир дарё тушди ва бунинг устига алифбомиз ўзгарди. Сиздан айро тушдик. Аммо ҳар қанча машаққат бўлмасин, тилимиз ва урф-одатларимиз учун курашдик", дейди. Бу ҳақида кейинроқ бафуржа...

Чегарадан ўтдим ва шунда... дунё кўз олдимда бутунлай бошқа ранга кирди. Равон йўлларимиз, озода постларимиз, хушмуомала ходимларимизнинг қадри билиндим. Лой кечиб, катта юк машиналар ва афгонча кийинган мардум оралиб ўтказув қисмига етиб бордим. Чиқишим билан ўн нафарча эҳсонлаб гирдимни ўраб, менга тушунарсиз тилларда тиланишдик. Шукурки, мени узоқдан таниган мезбонларим югуриб келиб, бу қамалдан озод айлади.

Бутун сафар давомида мени васийликка олган йигитнинг исми Ҳибатуллоҳ Яъқуб ўғли бўлади. У "UzbekTV" журналисти, бир неча бор тил ва миллатни ҳимоя қилгани ортидан асир олинган. Ўлғудай миллатсезвар. Кўп дафъа ўлимдан қолган. Беминнат ҳайдовчимиз – доктор Маҳдий ҳам очикўнгул ва жасоратли, миллатсезвар инсон экан. Йўлда ўзбек бўлиш шарафи ҳақида гаплашиб кетдик. Қўштепа канали ёқасида тўхтадик. Лойиҳага кўра, канал Балх, Жужон ва Фарёб вилоятларидаги ерларни сўғориш имкониятини бериши керак. У ерларда ўзбек ва туркманлар яшайди. Аммо бу унуддор ерларга мамлакатнинг жанубий минтақасида яшайдиган эллар кўчириб келинмоқда. Каналга ҳозирча дарёдан сув келмайди, ер ости сизова сувлари билан тўлиб турибди.

Йўлда давом этдик. Бир پوستда Толибон аскарлари тўхтади. "Қайдан келасан, қайга кетасан" бўлгандан кейин, икки аскари машинамизга ўлтирди. Қучоқларида "Калашников" – ўқланган. Улар билан салонга тер ҳиди ва худди шундай руҳий муҳит кириб келди. Мезбонлар миллий гапларни тўхтади ва аллақайга-ча пуштунчада гаплашиб кетди.

БЕШИҚДАН МОЗОРГАЧА...

Мозори Шарифга ачча юрдик. Атроф чўл. Шамол кумли ерда тўлқин-тўлқин мавж қолдирган. Кун қуёшли, аммо совуқ. Тўғрида улкан электр устунлари оёқларини кериб турибди. Ушбу симлар жонажон Ўзбекистон саховатидан дарак... Шунки ҳам тармоқда гап қилганлар бўлди. Аммо билсинларки, номимизнинг бир бурдасини бегонага эмас, дарёнинг нариги томонида яшаётган тилдошларимизга узатяпмиз...

Бироздан сўнг дараклар кўринди. Шохлари бир томонга қайрилиб қолганига қараганда, шамол кучли бўлади. Афғон шамол! Қаршимиздаги тоғларнинг номини сўрадим: Тирбанди Туркистон! Айтишларича, бу тоғнинг биз томонида туркий эллар, нариги томонида пуштунлар кўп яшайди.

Шаҳарга кирдик. Икки аскар қурилиш моллари сотиладиган шаҳобчага ўхшаш жойда тушиб қолди. Бизнингча, Ички ишлар бўлими экан...

Шу жойдан ҳаммаси бошланиб кетди. Машиналар тартибсиз ҳаракатланади. Ҳар қадамда қаршингиздан йўловчи чиқиб қолади. Йўл четида қумгон қўйиб, ўтган-кетганга чой сотиб ўтирган чолларни кўрдим. Гўё бир катта бозор ҳар тарафга сочилгандек шовқин, зирворлар ҳиди, ўзбекча, тожикча, дарийча ва яна бир қанча тиллар қоришиб кетган чақирқилар, либослар, чехралар, овозлар – ҳаммаси турли-турли...

ОВОРАИ ИККИ ЖАҲОН БЎЛДУМ...

Авалло, шаҳарнинг исталган жойида расм ё видео олишингиз учун махсус рухсатнома керак. Шаҳар "маданият бўлими"га йўналдик. Маҳалла идорасига ўхшаш бир бинога бошлаб боришдик. Эшик олдида роса текшириб киритишдик. Тўғри раҳбар қабулига бордик. Кичик бир хона. Зах ва ис газини анқиб турибди. Ихчамгина газ балони резина қувур орқали газ плитасига уланган ва шундай ёниб турибди. Фақат раҳбарни иситида. Стол-стул йўқ. Муддаони айтдик. У эса "Афғон тур ширкати"га юборди. Катта банк ортидаги кўрмисизгина бинода ҳам шу ҳолат. Аммо стол-стул бор. У ерда бизни чехраси нури хўқуқшуно кутиб олди. Хўқуқ ва мажбуриятларимизни эринмасдан, хушмуомалалик билан тушунтирди. Алқисса, Ҳибатуллоҳ менга масъул. Шундай гап бўлди: "Меҳмонимизга бирор қор-ҳол бўлса, сенинг ёқандан оламан. Мабодо, бирор ишқал бошласа ва юртига кетишга улгурса, яна сени танийман. Бошидан бир тола сочи тўкилмасин. Мана бу тилхатга бармоқ бос..."

Рухсатномага ҳар бир шаҳар учун алоҳида тўланаркан. Мен Мозори Шариф, Кобул ва Ҳирот шаҳарларида тасвирга олиш ҳамда тарихий обидаларга кириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома учун эглик доллар атрофида пул тўладим. Кейин шаҳар "Ички ишлар бўлими"га йўл олдик. Машина ва гавжум омма оралиб бордик. Икки нафар қуролланган толибон бош-

МУТОЛАА

Бундан бир юз ўн йил муқаддам Исмоилбек Ғаспрати ўспирин Абдулҳамид Юнусов – Чўлпон саволларига жавоб мактубида: "Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, чинакам санъат дурдоналари орадан асрлар оша ҳам, башариёт олдидаги ўзининг тарихий миссиясини бажараверади. Олам ва одамни англатади, кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди, ишқ-муҳаббат аталмиш бебаҳо юрак жавҳарини, ҳис-туйғуларни янгилайди.

Абдулла Қодирини жисмонан маҳв этган манфур тузум "Ўткан кунлар"ни ҳам ўзбек миллати шууридан ўчириб, руҳиятидан буткул қечариб жавоб мактубида: "Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, чинакам санъат дурдоналари орадан асрлар оша ҳам, башариёт олдидаги ўзининг тарихий миссиясини бажараверади. Олам ва одамни англатади, кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди, ишқ-муҳаббат аталмиш бебаҳо юрак жавҳарини, ҳис-туйғуларни янгилайди.

Аммо чин санъаткорнинг дурдона, ҳаққоний адабий сўзи ҳамма замонларда зиё аҳлининг шуурига мармар тошга ўйилган нақшдек ўрнашган бўлади. Уша қатагон замонларида ҳам "Ўткан кунлар" романи ўқилди. Фақат қоронғи кечаларда, тулпар яширин равишда, сассиз-муҳокамасиз, тарғиб-ташвиқсиз, жимгина, сабр билан ўқилди ва ўқилди.

Вақти келди – "Ўткан кунлар" ёруғлик юзини кўрди, ўқувчилар қўлига қайтарилди. Дунё тилларига таржима қилинди. Бир асрлик ёшга етган "Ўткан кунлар"нинг дунё бўйлаб саёҳ-



Кобулда Бобур



лаб кирди. Эски ҳовлига ўхшаш жой. Атрофи хароб. Узун йўлак бўйлаб юрди. Шифтда ўргимчак ниҳоятда қуюқ ва узун ин курган. Ғира-шира. Деворлар эски, ранги ўчган. Тахминан йигирма йил аввал таъмирланган.

Катта раҳбарга олиб киришди. Одий хона, яна ўша зах ва газ хиди. Юпқа гилам тўшалган. Тўғрида икки қават кўрпача, ёнида котиби учун кўрпача, эшик олдида яна бир кўрпача. Хуллас, одий идорада стуллар қандай жойлаштирилса, бу ерда кўрпачалар шундай тўшалган. Ҳар бирида иккитадан лўлаболиш. Ёнбошлаб олган раҳбар киришимиз билан ўрнидан турди. Тўрдан жой кўрсатди. Соқол ва соч патила-патила, бир-бирига улашиб кетган. Ниҳоятда совуқ ва жиддий, аммо хурматимизни жойига қўймоқда. Бизни бошлаб келган ҳуқуқшунос ҳужжатларимиз ва ўзи тайёрлаб берган рухсатномани тавозе билан унга узатди. У эса бир қоғозга, бир бизга синчковлик билан назар солди. Пуштунчада нимадир деди. Таржимаси: "Биздан кўрқмасин, текширув шундайлигини айт". Кейин бу шаҳарда унинг ҳифзу химосядалигини самимий тушунтириб, кузатиб қўйди. Салкам беш соат чўзилган югур-югурдан кейин кўлимда қоғоз, дилимда қувонч билан Кўк масжид сари юрдим.

РАВЗАИ ШАРИФ МЕҲМОНИ...

Бу ерда ҳам қирқ дақиқа бошлиқдан-бошлиққа "чавгон" бўлгач, оппоқ соқолли, юзи фариштали имомдан рухсат олди ва тасвирга олишни бошлади.

Тарихий маълумотларга кўра, бу ерда пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг суюкли куввлари Ҳазрати Али (р.а) дафн этилган. Салжукийлар ҳукмдори Султон Аҳмад Санжар бу ерда биринчи мақбарани қурдирган. Аммо 1220 йилда Чингизхон уни бузириб ташлаган. 1481-1482 йилларда Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Мирзо ташаббуси билан Алишер Навоий назорати остида қайта тикланган масжид деворлари ва гумбазлари фезузранг тошлар ва бўёқлар билан ишлов берилгани учун "Кўк масжид" номини олган.

Асрлар давомида мунтазам олиб борилган таъмир ишлари сабабли, масжид Афғонистондаги яхши сақланиб келаётган тарихий қадамжолардан бири ҳисобланади. Махмуада бино тархнин чизган меъмор Саид Тождин Андўлийнинг қабри ҳам бор. Мақбаранинг ички пештоқига етти килограмм соф олтиндан ишланган пешлаваҳа осилган, унга шаҳодат калимаси нақш этилган. Бу маршал Абдурашид Дўстум томони-

дан ҳада қилинган. Айтишларича, бир йили уни олиб қўйишган ва бутун мамлакат ўзбеклари оёққа турган. Шаҳар ҳокими суроққа тутилган. Натижада, пешлаваҳа ўз жойига қайтарилган.

Бу ерда маҳаллий ўзбеклардан бири билан суҳбатлашдим. Шунча нотинчликлар кўрибсиз, нега хорижа чиқиб кетмадингиз, деганимда шундай жавоб берди: "Мен Навоий, Бобур, Лутфий, Машраб ётган тупроқларни бир ўзбек ўлароқ ташлаб кетишга кўзим қиймайди. Чунки улар бундан беш юз йиллар аввал шу тупроқни бизга мерос қолдирган. Сен Амир Темур ётган муқаддас тупроқни ташлаб кетган бўлармидинг?"

ЁДГОРЛИК ҚАЙТАДИМИ?

Алишер Навоийнинг ҳайкали деярли 17 йил Мозори Шариф марказида турган. 2025 йил августда маҳаллий ҳокимият томонидан ҳайкал бузиб ташланган. Бунга сабаб сифатида у ўрнатилган жой "Навоийнинг хотираси учун муносиб эмас", деб баҳоланган. Афғонистон томони Навоийнинг хотирасини муносиб тарзда хурматлаш мақсадида янги мемориал мажмуа қурилиши билдирди. Янги жойда ҳайкал, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бўлиши ҳамда майдон унинг номи билан аталиши кўзда тутилган. Буни эса бутун дунё ўзбеклари интизор кутмоқда.

"СЕН МАШРАБСАН... БАЛХДА ДОРГА ОСИЛГАН..."

Балх шаҳри ва унинг тарихий-маънавий зиёратгоҳлари қадимий Хуросон маданиятининг муҳим қатлами ни акс эттиради. Сафар давомида бир-биридан қизиқ манзилларда бўлди. Аввало, шаҳар тарихининг энг қадимий ҳарбий-меъморий иншоотларидан бири бўлган Балх қалъасига бордик. У турли даврларда қайта-қайта қурилган. Ундаги Айёрон буржи муҳофаза тизимининг муҳим қисми бўлган кўриқлаш минораларидан биридир. "Хўжа Порсо" масжиди эса теурийлар даврида Гавҳаршодбегим томонидан қурдирилган бўлиб, илм-маърифат ва тасавуф маркази сифатида танилган. Масжид яқинда бўлган зилзиладан шикастланган, ҳозирда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ёнида форс-тожик ва туркий адабиёт тарихидаги илк машҳур шоирлардан бўлган Робия Балхий мақбараси бор.

Ҳазрати Шис алайҳиссаломнинг улкан қабри Балх

атрофидаги энг қадимий зиёратгоҳлардан бири бўлиб, асрлар давомида муқаддас жой сифатида эъзозланган. Буни маҳаллий аҳоли турлича изоҳлади. Маълумот учун, Шис алайҳиссалом ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг ўғли ҳисобланаркан.

Мавлоно Жалолиддин Балхий (Румий)нинг отаси Баҳоддин Валад қурдирган хонақоҳда бўлганимда, Радий Фиш романида тасвирланган воқеалар кўз ўнгимда қайта жонланди. Мавлононинг болалиги ўтган ерларда юриб, руҳий енгиллик туйдим ўзимда. Унинг атрофида бир тўп болалар копток ўйнаб, қийқириб юришибди. Романда ҳам шунга ўхшаш тасвирлар бор эди. Ёдгорлик атрофи теурийлар даврига оид меъморлик услубига ўхшаш девор билан ўралган. Бу ерни обод қилиш учун Туркия ҳукумати бир неча бор маблағ ажратган ва қисман бўлса-да, кўзланган натижага эришилган.

Қадимги Балх бир вақтлар Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлган. Қалъада хоразмлик ва бухоролик саркардаларнинг қабрларини кўрдик. Улар Чингизхон босқини даврида Жалолиддин Мангуберди бошчилигида худудни ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган. Қабр-тошлардан бирида "Паҳлавон Аҳмади Замжий", яна бирида "Паҳлавон Назаршоҳ Хоразмий" деб ёзилган.

"КОБУЛДА ИҚОМАТ ЭТДИ БОБУР, ДЕРСИЗ..."

Кобул шаҳри, билмадим, нечанчи иқлимдандир, борганимда жуда совуқ эди. Қор ёғиб ўтганига ярим ой бўлган эса-да, ҳамон баъзи ерларда муз бор. Бу шаҳарда тез-тез чироқ ўчиби туриши расм эркан. Чунки шаҳарга шимолий вилоятларга келгани каби қўшни давлатлардан электр келмайди...

Бир кеча тунаш учун мезбон яшайдиган ўн иккинчи қаватга чиқдик. Не кўз билан кўрайки, хонада ажиб бир сандал воқеъ бўлибдур... Уни ҳам газ балонча орқали иситишади. Хавфсизлик нуқтаи назаридан тунда ўчириб, шунинг тафтида ухлашади. Сўрасам, бутун шаҳар шундай жон сақларкан. Пули борлар кўп қаватли уйда кўмир ёқиладиган печ қурган ва шундан жони ҳузурда...

Эртаси кунни учоқда, қуш парвози баландлигидан разм солсам, кўрпадек қора тутун шаҳар бошига соябон бўлибдур... Билсам, аллергиям шундан кўзган экан.

Кобул ҳақида батафсил иккинчи мақолада сўзлаймен...

"...ГУҲАРИ ШАРИФРОҚ ЙЎҚ ОНДИН"

Ҳаммаси жуда осон бўлади, деб ўйлагандим: Тошкентдан учаман, Ҳиротга қўнаман, тайёрағоҳдан шундоқ чиқиб, асосий йўлдан марказий майдонга 16 километр юраман ва чапга бурилиб, яна 2 километр қандам ураман. Қарабсизки, ҳазрат Алишер Навоий мақбараси қаршисидаман! Лекин... Булар бари харитага саотлаб термулганча сурилган хомхал ё бўлиб чиқди. Доим ҳам осонликча хамирдан қил суғурилмайди.

"Гавҳаршодбегим боғи"га етдим. Кичик тушунтириш: Амир Теурунинг ўғилларидан бири – Шоҳрух Мирзо, унинг рафиқаси – Гавҳаршодбегим, фарзандлари – Улуғбек Мирзо, Бойсуқур Мирзо, Жўки Мирзо... Малика мақбараси ёнида ҳазрат Алишер Навоий мақбараси... Малика Хуросонда кўрпаб бўнёрдорлик ишларини амалга оширган. Ҳиротда Мусалло ансамбли, Балхдаги нақшкор масжид, ўзи кўнми толган мақбара шулар жумласидан.

Алишер Навоий мақбараси – Мусалло марказида, Инжил аригининг жанубий қирғоғи яқинида жойлашган гумбазли одий бино бўлган. Ҳиротлик савдогар хожи Фуломхайдар Мухтарзода 1947 йилда Гавҳаршодбегим мақбарасига қиёслаб қурдирган. Йиллар ўтиб, мақбаранинг ҳолати ёмонлашган. 2000 йил бошларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан мақбарани қайта қуриш ишлари бошланади. Аммо сиёсий вазият кескин ўзгаргани сабабли, усталар худудни тарк этишга мажбур бўлади. Кейин Ҳиротлик ўзбеклар ҳашар йўли билан мақбарани қайта тиклашади.

Сиёсий вазият юмшагач, Бобур халқаро жамоат фонднинг илмий экспедицияси 2015 йилда уч марта Афғо-

нистонга сафар уюштириб, худудда ободонлаштириш ишларини олиб борган. Янги қабр тоши Навоий вилояти Ҳазрат Алишербек томонидан тайёрланган. Қабр тошининг оғирлиги салкам 3.5 тонна, унга Қуръони Карим оятлари ва шоир қаламига мансуб мисралар ўзбек ва форс тилларида ўйиб ёзилган... Зокиржон Машрабов бошчилигида экилган 2 минг тупга яқин кўчат аллақачон барваста даракт бўлганини кўриб қувондим.

Аммо бу ерга кириш учун махсус рухсатномадан ташқари, қоровулларни ҳам рози қилиш керак бўлди. Кириш қийин бўлганига қарамай, бу жойда чоғроқ волейбол майдончаси қуришга ҳам улгуришган... Ҳазратнинг мақбараси ёнида у киши ёзган газалларни ўқиш бахти насиб этганидан бошим кўкка етди. Ҳатто бир четда ўқрайиб турган қоровуллар ҳам кайфиятимни буза олмади.

"ШОҲ ҒОЗИЙҒА КАРАМ АВВАЛҒИЛАРҒА ЎХШАМАС..."

Тарихчи Хондамир Навоий қурдирган иморатларнинг аниқ тафсилотларини келтиради. Улар орасида 52 рабат, 18 масжид, 3 мадраса, 16 кўприк, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча иморатлар ва иншоотлар бўлган. Албатта, бу қадар кенг қўламдаги бўнёрдорлик ишлари ортида саховатли бир султоннинг маънавий ва моддий қўллови турибди. Аммо бугунга келиб, зилол сув ичиш у ёқда турсин, қўл ювишга ҳам ярамайдиган ҳолга келиб қолган Инжил аригининг нариги томонида ётган Султон Ҳусайн Мирзонинг қабри очик осмон остида, гоят аянчли бир ҳолда қолган. Қабртош ноёб тошдан ишлангани сабабли бир неча бор ўғирлашга уринишлар бўлган, шу сабаб синган ҳам. Айни пайтда у шиша билан муҳофаза қилинган, аммо унинг ҳам бир томони дарз кетган...

"УМИДИМ АНДОҒКИ..."

Теурийлар даври меъморчилигининг энг муҳим исломий ёдгорликларидан бири Мусалло мажмуаси ҳисобланади. XV асрда барпо этилган ушбу мажмуанинг катта қисми бугунги кунда бутунлай вайрон бўлиш арафасида. Сақланиб қолган иншоотлар эса жиддий таъмир ва муҳофазага муҳтож. Ҳозирги пайтда мажмуа худудида Ҳиротдаги машҳур бешта Мусалло миноралари, Алишер Навоий мақбараси, Гавҳаршодбегим мақбараси, шунингдек, йирик масжид ва мадраса қолдиқлари мавжуд.

Мусалло мажмуасининг қурилиши 1417 йилда теурий ўқимдор Шоҳрух Мирзонинг завжаси Гавҳаршодбегим ташаббуси ва раҳбарлигида бошланган. Қурилиш ишлари XV аср охирида Султон Ҳусайн Мирзо даврида барпо этилган мадраса билан ниҳоясига етган. Дастлаб шу каби миноралар йигирмата бўлгани ҳақидаги фактлар бор. 1885 йилда инглиз ҳарбий кучлари ҳамда уша даврдаги Афғонистон ҳукумати томонидан мажмуа биноларининг асосий қисми бузиб ташланган ва бу тарихий ёдгорликка катта зарар етказилган. Сўнроқ совет аскарлари томонидан артиллерия тўплари ёрдамида вайрон қилинган. Кейинги даврларда содир бўлган зилзилалар ва ҳарбий тўқнашувлар натижасида минораларнинг тўрттаси қўлаган. Қяин вақтларгача мажмуа ўртасидан ўтгачи йўл фақат пидедалар учун очик бўлиб, машиналар ҳаракати чекланган экан. Энди эса бир томони реқшалар "стоянкаси"га, ўртаси қатнов йўлига айлантирилган. Оғир вазндаги юк машиналари ўтиб қайтишни ҳам ҳисобга олсак, миноралар яқин йилларда ўз-ўзидан қулайди... Маҳаллий ўзбеклар бутун дунё маданият посбонларини ушбу тарихий обидаларни сақлаб қолишга қақирмоқда.

Сафар давом этаётир. Насиб, кейинги таассуротларни ҳам Сиз, ўқувчиларга мавриди билан етқарурбиз. Шавақли бобомиз Бобур Мирзо лутфиди: "Яхшилиқ бўлғай бўлғай".

Шаҳриёр ШАВКАТ

Тошкент – Мозори Шариф – Кобул – Ҳирот

БИР АСРЛИК "ЎТКАН КУНЛАР"

ти бошланганига ярим асрдан ошгани кўпчиликка маълум гап.

Мухтарам адабиёт муҳаблари, Абдулла Қодирий ижоди ихлосомандларига бугун яна бир қувончли хабарни етказмоқчиман. Кечагина "Ҳилол нашр" муҳаррири, истеъодли адиб Эркин Малик менга "Ўткан кунлар" романининг ўзига хос, ажойиб янги нашруни тўхфа қилди. Кўриб, беҳад қувондим.

Асар бежирим картон қутчага учта китоб, махсус совғабоп тарзда жамланибди. "Ўткан кунлар"нинг уч бўлими ўз вақтида, 1925-1926 йилларда алоҳида учта китоб кўринишида нашрдан чиққан. Бугун ўқувчиларга тақдим қилинаётган "Ўткан кунлар" романи айнан ўша илк нашрига мос равишда, ҳар бир бўлим алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Энг муҳими, бу жамланма китоб романининг арабий имлода – ўзбек мумтоз ёзувида босмадан чиққани билан қимматли ва қадрлидир. Ҳар бир бўлимдан фотонусха олиниб, ўша замонда ишланган гўзал муқовалари билан бирга бугунги ўқувчиларга тақдим этилаётган китоб ярида романининг кирилл ёзувидаги нусхаси ҳам бор.

Икки ёзувдаги учта совғабоп китоб – бу "Ўткан кунлар" романига эҳтиёж ҳосиласи. Зеро, бу умрбоқий асарни айнан Абдулла Қодирий ҳазратлари ёзган ёзувда ўқиш истагида юрганлар ҳам бўлса керак, деб ўйладим. Қолаверса, бу роман матнини қиёсий-генетик йўсинда ўрганиш учун ҳам ёш тадқиқотчиларга



бебаҳо манба саналади.

Чунки роман алоҳида китоб шаклида нашр қилинишидан олдин, яъни 1923-1924 йилларда биринчи бўлим фасллари "Инқилоб" журналининг бир қанча сонларида эълон қилинган эди. Журнал иқтисодий муаммо ортидан ёпилиб кетгани боис, роман босилиши ҳам тўхтатилади. Романининг биринчи бўлими китоб бўлаётганида Абдулла Қодирий Москвага ўқишга кетади. Нашр жараёнига бевосита қатнаша олмайди. Кейин у ўз сўзлари ўзгаргани, роман матни таҳрирга учраганига гувоҳ бўлади.

Ҳар қандай асар ижодкор учун юрагининг бир парчасидек ардоқли, албатта. Бу фикрни Абдулла Қодирий ҳазратлари "Ҳар бир асарим – бир фарзандим, чироқчидир", тарзида баён қилади. Романининг 1925 йил босилган биринчи бўлимидан адибининг кўнгли тўлмайди.

Шу боис, ўқувчиларга: "Рўмон, деб сизга тақдим қилинган бу нарсга дунёга келиши биланоқ бахтсизликча учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди. Ниҳоят, бу кун босилиши муяссар бўлганида ҳам турлик зарбаларга учради; имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиҳларимизнинг мусоҳахалари (беларво қараш) орқасида техника жиҳати кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир йўсунда чиқди. Буларнинг сабаби босилиш чоғида ўзимнинг ҳозир бўла олмаганлигим бўлди. Аммо бу ўринда ўзимнинг жаҳолатим тўғрисида айтиб туришни лозим кўрмайман-да, фақат ўқувчиларнинг афеуларини сўрайман.

Рўмоннинг иккинчи бўлимини бундай хатоплардан соф бўла олишига ваъда бера олмасам-да, аммо босилиш тақдирини ношир кўлида бўлганлигини билдириб қўяман", деб узрнома ёзади ва унинг қайта нашри учун ҳаракатни бошлайди.

Бу вақтга келиб, романининг иккинчи бўлими 1925 йил санаси билан дунё юзини кўради. Шу орада романининг биринчи бўлими 1926 йили тақрор босмадан чиқади. Учинчи бўлими ҳам 1926 йили чоп этилади.

Абдулла Қодирий "Узр" и муносабати билан бир тақлиф айтмоқчиман. Адибининг бу гапи ўз вақтида вазифасини бажарди. Бу қодирийшунослар учун зарур, албатта. Аммо уни романининг ҳозирги даврдаги янги нашрларига

киритишга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Мухтарам "Ўткан кунлар" романи ўқувчилари, сиз мазкур "Ҳилол нашр"да янги босилган учта бўлимдаги 1926, 1925 ва 1926 саналарига назарингиз тушиб, савол туғилмаслиги учун шу гапни ёздим.

Совғабоп учта китобдан иборат "Ўткан кунлар" романи бу Абдулла Қодирийнинг кўзи тирик маҳалида босилган жуда табарруқ нусха. Ўқувчилар завқланиб ўқишлари шубҳасиз. Бироқ роман матни билан қизиққан, адиб таҳрирлари устида тадқиқот олиб борадиган матн-шунослар асарнинг "Инқилоб"да босилган нусхасига, шунингдек, 1933 йили лотин ёзувида нашр қилинган нусхасига ҳам назар солишлари лозим, деб ҳисоблайман. Бу нусхалардаги тафовулларни, адибининг сўз қўллаш ва алмаштириш маҳорати бобида камина иккита махсус мақола ҳам ёзган эдим.

"Ўткан кунлар" романи шу паллагача ўқувчиларнинг энг суюкли асарларидан бири сифатида қўлдан қўймасдан ўқиб келинди ва бундан кейин ҳам ўқилади. Роман бир неча авлод қодирийшунослар томонидан қайта ва қайта тадқиқ қилинди ва бундан кейин ҳам роман устидаги тадқиқотлар, албатта, давом этади. Ҳар бир даврнинг адабий тушунчаларига мос келадиган ва дунё адабиётшунослиги адабий-назарий қойдалари, янгича ёндашув усуллари учун ҳам манба бўла оладиган "Ўткан кунлар"нинг бундай ўзига хос, қийматли наشري муҳтарам ўқувчиларимизга муборак бўлсин! Сўнсўз ўзгача ва нашр учун ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган Хондамир ва Шерқон Қодирийлар ҳам савобдан баҳраманд бўлишлари табиий.

Баҳодир КАРИМ,
профессор

КҮТЛОВ



Камол эт касбким, олам уйидин
Санго фарз ўлмағай гамнок чикмоқ.
Жаҳондин нотамам ўтмак бийних,
Эрур ҳаммомдин ноток чикмоқ.

Умрнинг ҳар бир дақиқасини илм-фанга бағишлаб, камол касб этишни ўзига фарз деб билган қадрли қодирийшунос олимимиз, "Jadid" газетасининг доимий муаллифларидан бири, профессор Баҳодир Карим 60 ёшни қаршилади.

Мухтарам устозни муборак сана билан кўтлаб, умрига, ижодига барака тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.



“МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АТЛАСИ”



Бошланиши 1-саҳифада.

Маълумки, ҳар бир халқнинг тарихи, маънавий олами, ўзига хос келиб чиқиш илдиэлари, ҳаёт тарзи, босиб ўтган йўли қадриятлари орқали намён бўлади.

Бу қадриятлар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, миллий ўзига хосликнинг асосий белгилари сифатида яшаб қолаверади. Айнан миллий қадриятларни, анъаналарни унутмаслик, уларни сақлаб қолиш, замон талабларига уйғунлаштириш ҳамда кенг тарғиб қилиш ёш авлодда миллий ғурур, ватанпарварлик, ўзликни англаш каби муқаддас туйғуларни шакллантиради. Шу сабабдан миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз, маънавий-маърифий меросимизни асраш, дунё микёсида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Бунинг учун энг самарали воситалардан бири эса, албатта, китоб. Қолаверса...

– Бугунги глобаллашув шароитида ахборот алмашинуви тезлашиб, турли маданиятлар ўзаро яқинлашаётган бир пайтда миллий ўзликни асраб-авайлаш, азалий қадриятларни сақлаб қолиш муҳим масалалардан бири, – дейди Отабек Ҳасанов – Чунки ҳар бир миллатнинг тарихи, маънавий дунёси ана шу қадриятлар



асосида шаклланади. Бу лойиҳани энди бошладик ва давом эттиришни режалаштирганмиз. Миллий анъаналарни унутмаслик, уларни келгуси авлодларга бус-бутун, зиён-заҳматсиз етказиш Ватанга бўлган муҳаббат ва хурматни мустаҳкамлайди.

Китоб-альбомни тайёрлаш жараёнида “Qadriyatim.uz” электрон платформаси ишлаб чиқилган. Платформа доимий янгилаб борилиб, чет эллик фойдаланувчилар ва хориждаги ватандошлар учун моддий, номоддий маданий мерос ҳақида ахборот

берадиган интерактив маълумот базаси ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудуди қамраб олинган бўлиб, ҳар бирига хос қадрият, урф-одат ва анъаналар, маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар ҳамда миллий маданиятга оид материаллар йиғилиб, тизимли равишда таҳлил қилинган ҳамда илмий-публицистик услубда қайта ишланган. Китоб ўзбек, инглиз, рус тилларида нашр этилиб, миллий қадриятларимизни халқаро микёсда тизимли тарғиб қилиш, маданий меросимизни жаҳон цивилизацияси контекстида муносиб намён этиш ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий брендини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, миллий қадриятлар муайян халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, тафаккури, маънавий дунёси ва ижтимоий муносабатларини белгилаб берувчи устувор мезондир. Халқимизнинг миллий қадриятлари ҳам минг йиллик тарих, турли цивилизациялар кесишуви, ислом маънавияти ва маҳаллий урф-одатлар уйғунлиги асосида шаклланган.

Меҳмондўстлик, бағрикенглик, мардлик, матонат, ҳалоллик, оқибат каби ўнлаб хислатлар ўзбек халқи хос энг ёрқин фазилатларидандир. Халқимиз учун миллий қадриятлар баланд шиор ёки маросим учунгина сақланадиган анъаналар эмас. Улар кундалик ҳаётда, одамлар ўртасидаги муносабатларда яққол намён бўлади. Мутахассислар фикрига кўра, маълум бир миллатга тааллуқли санъат асарлари, хунармандлик намуналарида ўша элнинг феъл-атвори, табиати балқиб туради. Камалдек сержило атлас, дарҳақиқат, ўзбек миллатининг ранго-ранг сажияси ва таъбидан дарак бериб, асрлар оша башариатни ўзига мафтун этиб келаётган.

Ахборот асри бўлган бугунги даврда мавжуд анъаналаримиз ва қадриятларимиз давомийлигини таъминлаш борасида “Миллий қадриятлар атласи” каби лойиҳалар қамрови кенгайиб, давомийлик касб этишига эришиш керак.

Отабек РАҲИМ

ТИЛБИЛИМ

Қалдирғоч

Эй қалдирғоч, шошқалоқ санам,
Кетма, қорлар ёғса нима ғам,
Қуш инига тунда ёқиб шам
Тутган элни қайдан топасан?

Мунаввара УСМОНОВА

Бу шошқалоқ санамнинг номи тилимизда қадимдан яшаб келаётган сўз бўлиб, димоғингизга кўклар исини олиб келади. У дастлаб *кичкина*, *чаққон*, *қора-ола рангли қуш* номини билдирган бўлса, кейинчалик *қарлиғас*, *қадирғас* шаклида бўлганини кўриш мумкин. Ўзгаришлар асосан талаффуздаги соддалашув ва фонетик мослашув натижасида юз берган. “Девону луғатит турк” асарида Маҳмуд Кошғарий бу қуш номини *қарғилас* шаклида келтиради.

Қадимги туркий луғатда *қарғилас* сўзининг *кўршапалак* маъноси борлиги ҳам айтиб ўтилган.

Олтой тиллари этимологик луғатида *қалдирғоч* сўзи жуда қадимий “*қора*, *қорамтир*, *қуш*” маъносини билдирган прото-туркий (қ)иар илдизи билан боғланади. Бу илдиз туркий тиллар билан бирга мўғул ва тунгус тилларида ҳам учраб, қуш номларини ифодалашга хизмат қилган. Эҳтимол, қадимги даврларда қушлар ҳозирги биологик тасниф асосида эмас, балки ташқи белгиларига – рангига ва умумий қиёфасига қараб номлангандир. Қарға, қарқара қушлари ўзаги ҳам қар илдизига бевосита алоқадор. Ғарб тилшунослари фикрича, қар илдизи қушнинг товуши ёки ҳаракати тақлид қилувчи сўз бўлиши мумкин, яъни у ифодавий, ономотопозтик хусусиятга эга.

Қалдирғоч сўзи тарихи ва шакл босқичларига бир назар ташлашнинг ўзидек тилларнинг умумий лексик қатламидаги муштараклиги, инсониятнинг табиатни кузатиш ва уни номлашдаги яратувчанлигини кўрсатади.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА

ЎЙ



АЗАДАГИ “ТҮЙ”

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлманг, бугунги азалардаги тайёргарлик ва оворагарчилик ҳам бир тўйдан кам эмас. Тўйлардаги дабдабани камайтириш ҳақида ибратли чиқишлар кўп. Аммо аза ва унга оид маросимлар эътибордан четда қолаётгандай.

Аза – ўта нозик маросим. Аввало, бу бир инсон умрининг поёнига етиши, тириклик ва яқинларидан узилиб, боқий дунёга ўтиши жараёни. Қолаверса, бунда марҳумга бўлган ҳурмат, диний ва асрлар давомида шакланган миллий урф-одатлар уйғунлашиб кетган. Ана шулар орасида сўнгги асрларда секин-аста хурофий, бидъатий мантиқсиз одатлар ҳам қўшилиб қолганки, уларнинг асоси ва сабабини ўйлаб, замирини тополмайсиз. Гарчи жанозада жамоат бўлиш, кейин ҳам таъзия билдириш инсоний қарз ва бурч бўлса ҳам, бунга шунчаки кўнгил иши деб қараш билан чекланмаймиз. Уни турли маросимлар, атрибутлар билан тўлдиримиз. Ўзим ғувоҳ бўлган воқеалар ҳақида икки оғиз тўхталсам. Хулоса ўзингиздан.

Кимдир вафот этса, унинг оиласи марҳумни муносиб дафн этишни истаيدди. Аммо бу истак кўпинча икки тушунча билан оғирлашиб кетади: гўёки қанча кўп маблағ сарфланса, марҳум нариги дунёда шунча фароғатда бўлади ва бу харажатлар қилинмаса, одамлар нима дейди, деб ўйлаймиз. Ўлик ҳали мозорга етмасдан, уйда дастурхон тузаш, қозон осийш бошланиб кетади. Худди очларга эҳсон тарқатилаётгандай, эшикдан кирган кимсани овқатга таклиф қиламиз.

Бу ўша кун билан тугаса, кошки. Кейин “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “юз”, “йил” оши деб, оралтиб ҳар “пайшанба-пиртак” элга овқат тарқатилади. Ажабланирлиси, текин ошга хўранда ҳам топила қолади. Одатда, “навбатчи” таъзияхонлар бўлиб, улар кунда-шунда. Ҳайрон қолади киши: марҳум тиригида ойда-йилда остона ҳатламаганлар ўлимидан кейин қақир остоналарни ҳам силқилаб, эшик ошиқ-мошигини чиқариб юборади. Яқинлар ҳам марҳум қабри бошига ҳайбатидан от хурқадиган мармарташлар кўйиб, керак бўлса, атрофини ҳам мармар билан ўраб ташлайди. Абдулла Орипов ёзган экан:

Бир халқда ғалати одат бор эди:

Ўлганлар азизу тирик хор эди.

Севган одаммига тиларди ажал,

Ўтгач, улуглашга интизор эди.

Бундоқ суриштирсангиз, ота-онаси қабрини миллион-миллион харж қилиб, “мармар сарой” қилаётганлар тиригида улар ўтирадиган уйни таъмирлаб қўймаган бўлади. Қабр бошига кўчат экиб, атрофини гулзор қилса, бошқа гап. Ҳам савоб, ҳам ободлик. Аммо қуруқ тош фақат ўзимизнинг кимлигимизни кўрсатиб қўйиш учун, холос. Яна “фарзандларингиздан” деб ёзиб қўямиз!

Негадир, жаноза ва унинг атрофидаги русумларга пул ҳам топила қолади. “Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр”, деган мақолни “камбағал бўлсанг, ўлиб кўр”, деб ўзгартариш керакка ўхшаб қолди. Хўп, пул бор экан, йўқ бўлса топиларкан, нега шу савилни ота-она, турмуш ўртқ, фарзандлар, яқинлар тириклигида сарфламаймиз? Ўши улугларни сиҳаттоҳларга жўнатамизми, оилавий саёҳатга чиқамизми, бир жойимиз оғриси, шифокорга бориб, рисоладагидек даволанамизми? Топилар экан-ку, пул деган матоҳ!

Меъёрида бўлса, марҳумни ёд этиб эҳсон бериш, таом тарқатиш яхши. Фақат бунинг ҳам ўз одоби бор-ку! Тўқ одамга дастурхон ёзиб, ким қан-

ча савоб олар экан, билмадим. Марҳумнинг номидан боғ яратса, илми толибларга қарашса, маҳаллага битта чироқ ўрнатиб берса, бошқа гап. Аксар ҳолларда дошқозонда ош қилиб эҳсон тарқатаётганларнинг ўзи эҳсонга муҳтож тоифа бўлади.

Мотам либоси аздорни бир йилгача жамоатга қўшилишдан тўхтаб туради. Ғалати парадокс: таъзияда сабрли бўлинг, кўникинг, дейилса-да, кейин кўникиб яшашга қўймай, устига “кўк”, “қора”, “оқ” кўйлақлар кийдириб қўйилса...

Исломда аза уч кун. Эри ўлган аёлга эса тўрт ойу ўн кун. Қолганлар махсус кийим кийса-киймас, андуҳи тарқамасунча шундоқ ҳам ўйин-кулги юрагига сиғмайди. Одатда, бу кийимлар азбаройи марҳумга муҳаббатдан эмас, одамларнинг гап-сўзидан уялгандай кийилади.

Кимнинг қачон бу дунёни тарқ этиши маълум эмас. Ҳатто, шифокорлар фалон ой яшайсан, деса ҳам, кун, соатини айтиб бера олмайди. Бу ҳам зилзила, тўфон, вулқон отилиши каби қутилмаган ҳолат. Аммо бўлиши мумкин.

Баъзида яқинларнинг вафоти муносабати билан яқин қолган тўйлар орқага сурилади. Бу энди инсофга ҳам, одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди. Ҳайрнинг бошини боғлаб нима қиламиз? Энг ёмони: қолган ишга қор ёғади. Вақт чўзилгач, икки ўртада яхши-ёмон гап кўпаяди, қолаверса, ҳозирги ёшларнинг ишқали ўзидан олдин юради.

Келинг, дунёдаги мусулмон мамлакатларида аза маъракалари қай тарзда ўтказилишини кўриб чиқамиз:

Қозғистонда аза маросимларини камчиқим ўтказишга қатъий қарашади. Марҳумнинг еттиси ва қирқи оила даврасида тиловат тушириб, ёд этилади. Кенг дастурхон ёзиб, катта маросимлар ўтказиш маъқулланмайди.

Араб мамлакатларида асосан бир ёки уч кун давом этиши мумкин. Таъзияга келганларга қаҳва ёки хурмо берилади. Қирқинчи кун оила-аъзолари марҳумнинг ҳаққига дуо қилиб, қабрини зиёрат қилади.

Африка мамлакатларида эса маросимлар исломий қоидаларга жуда яқин, шу билан бирга, маҳаллий анъаналар билан бойитилган. Соддалик, жамоавий қўллаб-қувватлаш сезилади, лекин ортиқча дабдабага йўл қўйилмайди. Бу мамлакатларда маросимлар уч кундан кейин деярли тугайди. Уларда еттиси, қирқи деган маъракалар йўқ.

Туркияда ҳам шундай. Маросим уч кун, дастурхон ёзилиб, маросим ташкил этилмайди. Таъзияга келганлар учун қаҳва берилади, холос. Уч кун мобайнида қариндошлар ва қўшнилардан таом келтирилади.

Халқимизда “Тўйники бир кун, ўликники бир умр”, деган мақол бор. Тўй бир кунда ўтади, чунки унга узоқ вақт ҳозирлик қўрилиб, жамғариб борилади. Аммо қутилмаган азадаги исроф баъзан хонадонни йиллаб, ҳатто умрбод қарз ботқоғига ботириб қўяди. Айтинг-чи, буларнинг қайси бири исломга хос?

Аза уч кун эканлиги ҳадисларда айтилган бўлса, демак, уни сунъий равишда узайтириш, дабдабага айлантириш динимиз руҳига ҳам зид.

Барчанинг шароити ва имкони бир хил эмас. Шунинг учун ҳар кимнинг қурбатини инобатга олиб тутган маъқул.

Маъракаларда исроф эмас, инсоф устувор бўлиши керак.

Малоҳат ЙЎЛЧИЕВА

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 700

Шундан:

Кирилл ёзувида – 6 626

Лотин ёзувида – 12 074

Медиа кузатувчилар – 78 508

Буюртма: Г – 239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ